БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

13 йил чиқиши

№ 133 (3361).

9 июль ШАНБА 1966 ЙИЛ

Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

Ташаббус маъқулланди

«Совет Ўзбекистони» газетасининг 1966 йил 6 июль сонида Сирдарё областидаги «Андижон» совхозининг комплекс механизациялашган бригадаси бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Мамажон Дадажоновнинг республикадаги барча механизаторларга қарата «Механизатор, жасорат кўрсат!» деган очиқ хати босилди. У бу хатида пахтачиликни комплекс механизациялаш, айниқса машина теримига тааллуқли жуда муҳим масалаларни кўтариб чиққан. У бу йил бригадада терим агрегатларидан унумли фойдаланиш, шахсан ўзи малакали механик-ҳайдовчилар тайёрлаш юзасидан конкрет мажбуриятлар олди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Сирдарё областидаги «Андижон» совхозининг бригада бошлиғи Мамажон Дадажоновнинг ватанпарварлик ташаббусини маъқуллади.

Область партия комитетларига, район партия комитетларига, колхоз ва совхозларнинг бошланғич партия ташкилотларига ўртоқ Дадажоновнинг хатини колхозчилар, совхоз ишчилари ўртасида кенг муҳокама қилиш, шу асосда терим машиналаридан унумли фойдаланиш, механизатор кадрлар тайёрлаш юзасидан конкрет тадбирлар белгилаш вазифаси топширилди.

Республика, область ва район газеталарига, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети радиоэшиттириш ва телевидение давлат комитетига Мамажон Дадажоновнинг ташаббусини кенг пропаганда қилиш, механизаторларнинг, пахтакорларнинг бу ташаббусга жавобини муттасил ёритиб бориш ва пахтачиликдаги ишларни комплекс механизациялашга доир бошқа материалларни доимо ёритиб туриш вазифаси топширилди. Қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг партия XXIII съезди ва КПСС Марказий Комитети май Пленуми қарорларини ҳаётга татбиқ этиш учун олиб бораётган кураши кенг ёритилсин.

ЕВРОПАДА ТИНЧЛИКНИ ВА ХАВФСИЗЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ ТЎҒРИСИДА

ДЕКЛАРАЦИЯ

Дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги Варшава шартномасининг қатнашчилари — сиёсий маслаҳат комитетининг Бухарестдаги кенгашида вакиллари қатнашган давлатлар — Болгария Халқ Республикаси, Венгрия Халқ Республикаси, Германия Демократик Республикаси, Польша Халқ Республикаси, Руминия Социалистик Республикаси, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи, Чехословакия Социалистик Республикаси қуйидаги Декларацияни қабул қилдилар:

I.

Европада мустаҳкам тинчликни ва хавфсизликни таъминлаш Европа қитъасидаги ҳамма халқларнинг қизғин интилишларига ва янги тинчлик манфаатларига мос бўлиб тушади.

Инсоният тараққиётига жуда катта ҳисса қўшган ва қўшаётган Европа халқлари Ер куррасининг шу қисмида ҳар бир халқнинг, ҳар бир мамлакатнинг иродасига ва қарорига мувофиқ моддий ва маънавий ресурсларидан тўла равишда фойдаланишга имкон берадиган осойишталик ва халқаро ҳамжиҳатлик иқлими вужудга келтиришлари мумкин ва лозим.

Европа мамлакатлари ўртасидаги муносабатларнинг ҳолати бутун дунёдаги ишларнинг аҳволига катта таъсир ўтказади. Шуни унутмаслик керакки, ўн миллионлаб кишиларнинг ёстиғини қуритган ва жуда катта вайронгарчиликларга олиб келган ҳар иккала жаҳон уруши ҳам Европа қитъасида бошланган.

Европа хавфсизлиги проблемаси бугун, ё кеча пайдо бўлган проблема эмас. Бундан ярим аср муқаддам бу проблема биринчи жаҳон уруши бошланиши билан кун тартибига қўйилган эди. Орадан йигирма йил ўтганидан кейин яъни Европа ва жаҳон давлатларни бирма-бир яксон қилган йиртқич фашизм билан юзма-юз келиб қолганида, бу проблеманинг бутун ҳаётий аҳамияти халқларга янада аён бўлиб қолди.

Халқлар жанг майдонига киришга мажбур бўлиб қолганларидан кейин улар бу уруш жаҳон урушларининг охиргиси бўлади, деган умид билан руҳланган эдилар.

Европа хавфсизлигини таъминлаш мақсади 1945 йилда яқинлашиб қолганден бўлиб кўринди; бу мақсадга эришиш йўллари очиқдай бўлиб туюлди. Герман фашизми маглубиятга учратилган ва ўз ҳукмини кутмоқда эди. Адолат ғалаба тантанасини қилмоқда эди. Гитлерчилар Германияси билан мисли бўлмаган шафқатсиз урушни эндигина тамомлаган халқлар милитаризм ва агрессия кучлари ҳозирги ва келажак авлодларнинг тинч турмушини ва бунёдкорлик меҳнатини яна буза олмайдиган бўлиши учун ҳамма чораларни кўришни талаб қилдилар.

Гитлеризмга қарши коалиция давлатларининг иттифоқчилик муносабатларини якунлаган Потсдам битими тинчликни барқарор қилишнинг келажакка мўлжалланган кенг программасини эълон қилди. Тарихда биринчи бўлиб Европа ўз хавфсизлиги проблемасини ҳал қилишнинг реал имкониятини олди. Герман милитаризми ва нацизмнинг тикланишига йўл қўймаслик, Германия ўзининг қўшниларини ёки бутун дунёда тинчликнинг сақланишига бундан буён асло тахдид қила олмаслигини таъминлаш Европадаги хавфсизликнинг асосий шарти эканлигини шу тариқа ҳамма эътироф қилди. Бу асосий шартни бажармоқ учун Европа давлатлари ўртасида, Европада ва бутун дунёда тинчлик сақланиб қолишидан манфаатдор бўлган барча давлатлар ўртасида ҳалол ва дўстона ҳамкорлик бўлиши зарурлигига ҳам ҳеч ким эътироз билдирмади.

Лекин воқеалар бу орзуларни оқламади. Европа халқларининг умидлари рўёбга чиқмай қолди, уларнинг уруш таҳликасидан холи бўлган ҳаётга интилиши шу дамгача амалга ошмади. Бунинг учун эса, ғитлеризмга қарши буюк коалицияда тобланган ҳамкорликдан герман агрессорлари устидан ғалаба қозонилиши биланоқ дарров воз кечган. Европада тинчликни бунёд қилишнинг муштарак йўлидан бормаган ва ҳаттоки, ўзлари агрессив сиёсат ўтказишга киришган давлатлар жавобгардирлар.

Эндиликда иккинчи жаҳон уруши тамом бўлганидан кейин йигирма йил ўтгач Европада мазкур урушнинг оқибатлари ҳали тугатилгани йўқ. Германия билан сулҳ шартномаси тузилгани йўқ, кескинлик ўчоқлари, давлатлар ўртасидаги муносабатларда ғайри нормал вазият давом қилиб келмоқда.

Ушбу Декларацияга имзо чеккан социалистик давлатлар, бундай аҳволни йўқотиш ва Европада тинчлик ва хавфсизликнинг мустаҳкам негизларини вужудга келтириш, куч билан ёки куч қўлланиш билан тахдид қилишдан воз кечишга ҳамда халқаро низоларни фақат тинч воситалар билан ҳал этиш зарурлигига асосланиб, давлатлар ўртасидаги муносабатлар суверенитет ва миллий мустақиллик, тенг ҳуқуқлилик ва ички ишларга аралашмаслик принципларига, территориал даҳлсизликни ҳурматлашга негизланиши лозимлигини тақозо қилади, деб ҳисоблайдилар. Европа давлатлари Европада қуролли можаро бошланиб кетиш хавфининг олдини олмоқ ва Европанинг коллектив хавфсизлигини мустаҳкамламоқ учун самарали чоралар кўришга интилишлари лозим. Европадаги барча миллатларнинг муштарак интилишларини амалга ошириш ҳар бир давлатнинг ижтимоий-сиёсий тузумидан қатъий назар, ҳар бир катта ёки кичик давлатнинг суверен, мустақил ва тенг ҳуқуқли давлатлар ўртасида муносиб ҳамкорликни йўлга қўйишга ҳисса қўшувини ва бунинг учун ўз зиммасига масъулият олишини тақозо қилади.

Ушбу кенгашда қатнашган давлатларнинг фикри шуки, ҳозирги вазиятда Европанинг ҳамма халқларидан, барча тинчликсевар кучлардан Европада тинчликни ва хавфсизликни мустаҳкамлаш учун курашда тағин ҳам кўпроқ қатъият ва активлик кўрсатишларини талаб қилинади.

II.

Тинчликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш учун курашаётган кучлар ўсиб бораётганлиги ҳозир халқаро аҳволни белгиловчи хусусиятлардан биридир. Социалистик давлатлар ўзларининг жуда катта иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий қудратлари билан бирга, шунингдек халқаро ишчилар синфи ўзининг коммунистик партиялари раҳбарлигида, миллий озодлик ҳаракати, кейинги йилларда мустақилликка эришган янги давлатлар, бутун дунёнинг прогрессив ва демократик кучлари империалистларнинг агрессив сиёсатига кескин қарши чиқмоқдалар, халқлар хавфсизлигини таъминлашни қатъий талаб қилмоқдалар. Европада совуқ уруш қолдиқларини ҳамда умумевропа ҳамкорлигини нормал ривожлантириш йўлида ғов бўлиб турган тўсиқларни тугатиш, низоли масалаларни ҳамжиҳатлик йўли билан бартараф қилиш, халқаро турмушни нормаллаштириш ва халқларни яқинлаштириш тенденцияси тобора ўсмоқда ва ривожланмоқда.

Империалист реакцион доиралар бу йўлга қаршилик қилмоқдалар, агрессив мақсадларни кўзлаб кескинликни авж олдиришга, Европа давлатлари ўртасидаги муносабатларни заҳарлашга интилмоқдалар.

Америка Қўшма Штатларининг ҳозирги сиёсати, жаҳоннинг бошқа бир районида — Шарқи-Жанубий Осиёда — Вьетнам халқига қарши агрессив урушни бошлаб юборишга олиб келган ва кейинги йилларда давлатлар ўртасидаги муносабатларни чатоқлаштириб, халқаро тангликлар ўрталигига олиб келган ўша сиёсатнинг ўзи Европадаги тинчликка, Европа халқларининг хавфсизлигига бевосита тахдид қилиб турибди. Қўшма Штатлар бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмоқдалар, ҳар бир халқнинг ўз тақдирини ўзи ҳал қилишдан иборат муқаддас ҳуқуқини бузмоқдалар, мустамлакачилик репрессияларини татбиқ этмоқдалар ва қуролли интервенция қилмоқдалар, Осиё, Африка ва Латин Америкасининг турли мамлакатларида фитналар ташкил этмоқдалар, ҳамма жойда халқларнинг нафратига сазовор бўлган реакцион кучларни ва сотқин режимларни қувватламоқдалар.

Европада АҚШ ўтказаётган сиёсатнинг мақсадлари Европа халқларининг ҳаётий манфаатларига, Европа хавфсизлиги вазифаларига бутунлай зид эканлигига шак-шубҳа бўлиши мумкин эмас. Американинг ҳукмрон доиралари Ғарбий Европани АҚШнинг глобал сиёсати қуроли бўлиб қолиши учун Ғарбий Европадаги ўз иттифоқчиларига ўз айтганларини қилдиришга истар эдилар. Бу сиёсат эса, халқларни миллий ва социал озодликка чиқариш тарихий жараёнини тўхтатиб қўйишга, ҳаттоки орқага буриб юборишга интилишга асосланмоқда. Шунинг учун ҳам Ғарбий Европадаги баъзи давлатларни ҳатто жаҳоннинг бошқа районларидаги, жумладан, Осиёдаги ҳарбий авантюраларга тортишга уринмоқдалар.

Ғарбий Европанинг реакцион кучлари қўллаб-қувватлаётган АҚШнинг агрессив доиралари Шимолий Атлантика ҳарбий блоки ва шуларнинг ўзи вужудга келтирган ҳарбий машина ёрдамида Европадаги нифоқни тобора кўпроқ чуқурлаштиришга, қуролланиш пойгасини авж олдиришга, халқаро кескинликни кучайтиришга, Ғарбий Европа давлатлари билан Шарқий Европа давлатлари ўртасида нормал алоқалар ўрнатилишига ва ривожлантирилишига тўсқинлик қилишга интилмоқдалар.

Европа халқлари хавфсизлигининг чинакам манфаатларига ёт бўлган мана шу мақсадлар учун деб Европада Қўшма Штатларнинг қўшинлари ҳанузгача сақланиб турибди, Ғарбий Европа мамлакатларида АҚШнинг ҳарбий базалари жойлаштирилмоқда, ядро қуроли складлари вужудга келтирилмоқда, Европа қитъасига туташган денгизларга ядро сув ости кемалари юборилмоқда, Американинг олтинчи флоти Ўрта Денгизда кезиб юрибди, Европа мамлакатлари осмонида эса, ядро бомбалари ортилган самолётлар учиб юрибди.

АҚШнинг Европада урушдан кейинги йиллар мобайнида ўтказиб келаётган сиёсати Европа халқларига яна шунинг учун ҳам хавфли сиёсатдирки, бу сиёсат Ғарбий Германиянинг милитарист ва реваншчи кучлари билан тил бириктиришга тобора кўпроқ таянмоқда. Бу кучлар АҚШни Европада тағин ҳам хатарлироқ йўл ўтказишга тўғридан тўғри ундамоқдалар.

Бундай сиёсат Америка империалистлари билан Ғарбий Германия реваншчилари ўртасида вужудга келаётган иттифоқда ўз ифодасини топмоқда.

Ғарбий Германиянинг милитарист ва реваншчи доиралари немис халқининг ўз ҳаётий манфаатлари билан ҳеч соблашишни истамаётирлар, агрессив мақсадларни кўзламоқдалар, бу агрессив мақсадлар уларнинг ҳамма ишларида — мамлакатнинг иқтисодий потенциалини ҳарбий ишларга кўчиришда ҳам, ярим миллионли бундесвер вужудга келтирилганлигида ҳам, Германия босқинчиликларининг тарихини улуғлаётганликларида ҳам, бошқа халқларга нафрат авж олдирилаётганлигида ҳам намоён бўлмоқда. Германия Федератив Республикасининг мазкур доиралари бошқа халқларнинг ерларига яна кўз олайтирмоқдалар.

Ядро қуролини эгаллаб олиш талаби ҳозирги вақтда шу сиёсатнинг диққат марказида турибди. Германия Федератив Республикасида муайян пайт келганида ўз атом ва водород бомбаларини ишлаб чиқаришга хизмат қиладиган илмий-техникавий ва саноат базаларини вужудга келтириш ошкора ва махфий равишда жадаллаштирилмоқда. Германия Федератив Республикасининг ядро қуролини қўлга киритишига имконият берадиган НАТО бирлашган қуролли кучларининг вужудга келтирилишини тинчликсевар мамлакатлар ва халқлар биргаликда куч ва ғайрат сарфлаб тўхтатиб туришга шу вақтгача муваффақ бўлиб келдилар. Бироқ, бу хусусдаги планлардан ҳали воз кечилгани йўқ.

Ҳамма халқларнинг туб манфаатлари НАТОнинг кўп томонлама ядро кучларини вужудга келтириш планларидан воз кечишни талаб қилади. Бироқ, НАТО аъзоси бўлган давлатлар тинчлик манфаатларига хилоф равишда ҳаракат қилиб, кўп томонлама ядро кучлари вужудга келтириш ёки Ғарбий Германиянинг ядро қуролини эгаллашига бирор формада имконият очиб бериш йўлига тушиб олсалар, у ҳолда Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар бу ҳолатнинг Европадаги тинчлик ва хавфсизлик иши учун келтирадиган жиддий оқибатларини назарда тутиб, ўз хавфсизликларини таъминлашга доир зарур ҳимоя чораларини кўришга мажбур бўлиб қолажаклар.

Ғарбий Германия реваншчиларининг территория талаб қилишлари қатъиян рад этилиши лозим. Бу талаблар мутлақо ўринсиз ва асоссиз талаблардир. Европадаги чегаралар масаласи узил-кесил ва қайтарилмайдиган бўлиб ҳал қилинган, Европа халқлари реваншизм йўлига ғов сола оладилар.

Европа давлатлари ўртасидаги мавжуд чегараларнинг, шу жумладан, суверен Германия Демократик Республикаси, Польша, Чехословакия чегараларининг бузилмас чегаралар эканлиги Европа хавфсизлигини таъминловчи асосий негизларнинг биридир. Ушбу кенгашда қатнашган давлатлар империализм ва реакция кучлари томонидан шу давлатларга қарши қилинадиган ҳар қандай агрессияни емириб ташлашга ўзларининг маҳкам бел боғлаганликларини таъкидлайдилар.

Шу билан бирга, Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар шуни айтадиларки, бу давлатларнинг Европадаги давлатлардан биронтасига ҳам ҳеч қандай территориал даъволари йўқ.

Герман империализми ўтказаётган реваншизм ва милитаризм сиёсати ҳамиша барбод бўлиб келди. Жаҳон майдонидаги ва Европадаги кучларнинг ҳозирги нисбати мавжуд бўлиб турган шароитда бундай сиёсат Германия Федератив Республикасига ҳеч қандай афзаллик ва фойда келтириш ўёқда турсин, балки Германий Федератив Республикаси учун тузатиб бўлмайдиган оқибатлар келтириши ҳам турган гап.

Европадаги ва бутун дунёдаги тинчлик ва хавфсизлик манфаатлари, шунингдек немис халқининг манфаатлари ҳам Германия Федератив Республикасининг ҳукмрон доиралари Европадаги реал мавжуд аҳвол билан ҳисоблашишларини талаб қилади. Бунинг маъноси шуки, улар иккита Германия давлати мавжудлигини назарда тутиб иш қилсинлар, Европа чегараларини ўзгартирмасин, деган даъволаридан, бутун Германиянинг бирдан-бир вакили бўлишга фақат биз ҳақлимиз деган даъволаридан ва Германия Демократик Республикасини танишга интилаётган давлатларга тазйиқ ўтказиш йўлидаги уринишлардан воз кечсинлар, жиноятқорона Мюнхен диктатидан воз кечсинлар ва унинг аввал бошданоқ ҳақиқий эмаслигини эътироф қилсинлар. Булар тарих сабоқларини ҳақиқатан ҳисобга олаётганликларини, милитаризмга ва реваншизмга чек қўйишларини ҳамда давлатлар ўртасидаги муносабатларни нормаллаштириш, халқлар ўртасида ҳамкорлик ва дўстликни ривожлантириш сиёсатини ўтказажакларини амалда исбот қилишлари лозим.

Европада тинчликни таъминлашнинг муҳим омили бўлган Германия Демократик Республикаси Германия Федератив Республикаси ҳукуматига ва бундестагига конструктив таклифлар билан бир неча марта мурожаат қилиб, ҳар иккала герман давлатининг ядро билан қуролланишдан воз кечишини, уларнинг армияларини қисқартиришни, бирбирларига қарши куч қўлланмаслик тўғрисида мажбурият олишни, етилган миллий масалаларни, Германия Демократик Республикасини ҳам, Германия Федератив Республикасини ҳам қизиқтираётган масалаларни ҳал қилмоқ учун биргаликда музокаралар олиб боришни талаб қилди. Бироқ, Германия Федератив Республикасининг ҳукумати бу таклифларга қулоқ солмаётир. Ушбу Декларацияга имзо чеккан давлатлар Германия Демократик Республикасининг мазкур ташаббусини қўллаб-қувватлайдилар.

Шу кенгашда қатнашган давлатлар Европадаги ҳозирги вазиятни атрофлича кўриб чиқиб, унинг ривожланишини белгилаб берувчи асосий омилларни салмоқлаб кўриб, шундай хулосага келдиларки, қитъадаги давлатларнинг қарийб ярмисини социалистик давлатлар ташкил этган Европада воқеаларнинг нотатлуб тарзда ривожланишининг олдини олиш имкониятлари бор. Европа хавфсизлиги проблемаси Европа давлатларининг, ўзлари қайси идеологик маслакка, диний ва бошқа эътиқодларга мансуб бўлишларидан қатъий назар, тинчлик учун курашаётган барча ижтимоий кучларнинг биргаликда куч ва ғайрат сарфлашлари билан ҳал этилиши мумкин. Европа давлатлари ўртасидаги муносабатларда бўлган кескинликни бундан буён ҳам авж олдирмоқчи бўлаётган кучларнинг таъсири нечоғлик тез йўқотилса, бу вазифа шу қадар муваффақиятли ҳал қилинади.

Европада тинчликни қўпоришга қаратилган планларни урушдан кейинги вақтда бузиб ташлашга неча марталаб муваффақ бўлинди. Бунда Европа социалистик давлатларининг, барча социалистик мамлакатларнинг бирлиги ва бирдамлиги, улар тинчликни бузиш ниятида бўлганларга нисбатан хушёрликни сақлаб қолганлари ҳолда, тинчликсевар ташқи сиёсат ўтказиб келганликлари, улар Европа хавфсизлигини мустаҳкамлашга ўз ҳиссасини қўшишни истаётган ҳамма давлатлар билан ҳамкорлик қилишга тайёр бўлиб турганликлари ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди. Ғарбий Европа мамлакатларидаги ишчилар синфининг, ишчилар синфи илғор отрядларининг, кенг меҳнаткашлар оммасининг жамоатчилик фикрини шакллантираётган демократик, прогрессив ташкилотлари ва тинчлик тарафдорлари ҳаракатининг бутун кучи ҳам зўр ғайрат билан шу мақсадга қаратилмоқда.

Сиёсий қарашлар ва эътиқодлардаги келишмовчиликлардан юқори туриш, халқаро кескинликни юмшатмоқ учун, Европадаги барча давлатлар ўртасида камситишга йўл қўймай, ўзаро манфаатли муносабатларни ҳар томонлама ривожлантирмоқ учун, ўз мамлакатларининг тўла мустақиллиги ва уларнинг ўз миллий қиёфасини сақлаб қолмоқ учун курашиш зарурлигини англаётган кучларнинг Ғарбий Европа мамлакатларидаги таъсири ўсиб бораётганлиги Европада ҳарбий авантюраларни амалга оширишни тобора кўпроқ қийинлаштираётган муҳим омилдир.

Ушбу Декларацияга имзо чеккан давлатлар Германия Федератив Республикасида реваншизмга ва милитаризмга қарши чиқаётган, Ғарб мамлакатлари билан ҳам, Шарқ мамлакатлари билан ҳам нормал муносабатлар ўрнатишни, шу жумладан ҳар иккала герман давлати ўртасида нормал муносабатлар ўрнатишни талаб қилаётган, ҳамма немислар тинчлик неъматларидан баҳраманд бўлмоқлари учун халқаро кескинликни юмшатишга ва Европа хавфсизлигини таъминлашга интилаётган доиралар мавжудлиги ижобий ҳол эканлигини қайд қиладилар.

Европада тинчлик ва хавфсизлик учун курашаётганларнинг ўтказаётган таъсири кундан кунга сезиларли бўлиб қолмоқда, агрессив йўл тарафдорлари эса ўз позицияларини йўқота бошладилар. Европа мамлакатлари ва халқларининг ҳар қайсиси учун ва умуман Европа учун хавф — хатар ҳақиқатда қай томондан келаётганлигини ва барча Европа давлатларининг хавфсизлигини муҳофаза этмоқ учун нималар қилиш кераклигини англаётган мамлакатлар ва халқлар Европада тобора кўпаймоқда.

Кенгаш қатнашчилари шунга асосланиб иш кўрмоқдаларки, Европадаги ҳар бир давлат халқаро ишларда муносиб роль ўйнаши ва Европада халқлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг ва давлатлараро муносабатларнинг ҳар бир халқнинг хавфсизлиги айни вақтда ҳамма учун хавфсизлик бўлишини таъминлайдиган системасини қуришда тенг ҳуқуқли бўлиб қатнашмоғи лозим. Европа давлатлари ўз ўрталаридаги муносабатлар масалаларини четдан ҳеч кимни аралаштирмай, ҳал қилишга қодирдирлар.

Социалистик мамлакатлар давлатлар ўртасида суверенитет ва миллий мустақиллик, тенг ҳуқуқлилик, ички ишларга аралашмаслик ва ўзаро манфаатдорлик принципларига риоя қилишга асосланган норвал муносабатларни барқарор қилиш ва ривожлантириш Европа хавфсизлигини амалга оширишнинг асосий принципларидан бири деб ҳисоблайдилар. Турли тўсқинликларга қарамай, бу принциплар халқ ўртасидаги ҳамкорликнинг ва халқаро вазиятни яхшилашнинг оқилона негизи сифатида тобора кенг эътироф қилинаётганлигини Европадаги аҳвол исботлаб бермоқда.

Давлатларнинг ижтимоий тузумидан қатъий назар улар ўртасида тинчликни ҳимоя қилишга қаратилган сиёсий муносабатларни мустаҳкамлаш катта аҳамиятга эга.

Традицион савдо муносабатлари билан боғланган Европа мамлакатлари ўзларининг иқтисодий ҳамкорликларини ўзаро асосда ривожлантириш натижаларидан фақат манфаат кўришларигина мумкин. Европа давлатлари ўртасида иқтисодий муносабатларнинг кенгайтирилиши бу соҳадаги мавжуд камситишлар ва тўсқинликларнинг йўқотилиши халқлар ўртасида ишонч ва ҳамжиҳатлик вазиятини вужудга келтиришнинг ва халқларни бир-бирига яқинлаштиришнинг муҳим омилидир. Европа мамлакатлари ўртасида иқтисодий муносабатларнинг ривожлантирилиши уларнинг жаҳоннинг бошқа қисмларидаги мамлакатлар билан товар айирбошлашларини кенгайтиришларига имконият очиб беради. Бу алоқалар ҳамда халқларнинг бир-бирлари билан яхшироқ танишиб олишларига имкон берувчи илмий-техникавий ва маданий ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантирилиши шу алоқалар авж олаборган сари Европа хавфсизлигининг ва бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлашнинг моддий негизи бўлиб қолиши мумкин.

Европа давлатлари ва халқларининг социал-сиёсий тузуми, идеологияси ва сиёсий қарашларида ҳар қанча тафовутлар бўлишига қарамай, уларнинг ҳаммасининг ҳаётий миллий манфаатларига мос бўлиб тушадиган бир муштарак иш борки, у ҳам бўлса Европада тинчликнинг бузилишига йўл қўймаслик, агрессия кучларини жиловлаб қўйиш вазифасидир.

III.

Ушбу Декларацияга имзо чеккан давлатлар ҳозир вужудга келаётган вазият барча Европа давлатларидан Европада тинчликни мустаҳкамлаш йўлида актив ҳаракатлар қилишни талаб этади, деб ҳисоблайдилар.

Европа давлатларининг ҳукуматлари агрессия қилиш планларини тузаётганларнинг юпатувчи ваъдаларига ишона олмайдилар, иккинчи жаҳон урушининг якунларини қайта кўриб чиқишга интилиб, бизга ядро қуроли ўз ҳавфсизлигимизни таъминламоқ учун керак, деб ишонтиришга урунаётганларнинг гапларини рост гап деб қабул қила олмайдилар ва пассив бўлиб қола олмайдилар, шу тариқа Европани ҳалокатли ядро урушига плацдарм қилишга тайёрланаётган кучларни, ҳо ҳоҳлаб, ҳо ҳоҳламай, рағбатлантира олмайдилар.

Европа давлатларининг ҳукумаглари халқлар олдидаги ўзларининг юксак масъулиятларини англаб, Европада кескинликни юмшатишга, хавфсизликни мустаҳкамлашга, Европа давлатлари ўртасида ўзаро манфаатли тинч ҳамкорлик авж олдиришга томон бурилиш ясашни таъминлайдиган чора ва тадбирлар кўришлари лозим.

Европа олдида бундай вазифа биринчи марта пайдо бўлаётгани йўқ. Биринчи ва иккинчи жаҳон урушларини агрессив кучлар жуда махфий равишда, бизнинг ниятимиз тинчлик деган ёлғон гаплар ниқоби остида тайёрлаган эдилар. Халқларнинг хушёрлигини ғафлатда қолдириш мақсадида ҳар сафар пропаганда ва дезинформациянинг жуда катта аппаратидан фойдаланилар эди. Лекин миллион-миллион кишилар халок бўлганидан сўнг, обод шаҳарлар ва қишлоқлар қулгоналарга айлантирилганидан кейингина халқларнинг кўзи очилди. Бунга учинчи марта — ядро энергияси ва қудратли ракеталар асрида йўл қўйиб бўлмайди.

Кенгашда қатнашган мамлакатлар Европада хавфсизликни мустаҳкамлашнинг конструктив чоралари тезроқ амалга оширилишини талаб қиладилар. Улар ҳозирги шароитда шундай чоралар кўриш учун реал имконият борлигига амин-дирлар. Шу мақсадда улар бошқа давлатлар билан ҳамкорлик қилишга тайёрдирлар.

Европада тинчлик ва хавфсизлик иши учун мустаҳкам гарантиялар вужудга келтириш барча Европа давлатларининг иштирок қилишни, ҳамма маъқуллайдиган қарорларга келиш мақсадида турли нуқтаи назарларни сабр-матонат билан конструктив муҳокама қилишни талаб этувчи муҳим вазифадир.

Европа социалистик мамлакатлари конкрет ҳаракат программаси бўлган асосий таклифлар билан бир неча марта чиқдилар.

Декларацияга имзо чеккан давлатлар Европада хавфсизликни мустаҳкамлаш тадбирлари аввало қуйидаги асосий йўлларда амалга оширилиши мумкин ва лозим деб ҳисоблайдилар.

Биринчи. Кенгашда қатнашган давлатлар барча Европа давлатларини мустақиллик ва миллий суверенитет, тенг ҳуқуқлилик, ички ишларга аралашмаслик ва ўзаро манфаатдорлик асосида — турли ижтимоий тузумдаги давлатлар ўртасида тинч-тотув яшаш принциплари асосида яхши қўшничилик муносабатларини ривожлантиришга чақирадилар. Шунга асосланиб улар иқтисодий ва савдо алоқаларини кучайтиришни, фан- техника, маданият ва санъат соҳаларида шунингдек Европа мамлакатларининг ҳамкорлик қилиши учун янги имкониятлар очиб берадиган бошқа соҳаларда алоқаларни ва ҳамкорлик формаларини кўпайтиришни талаб қиладилар.

Тинч ҳамкорликнинг ҳеч бир соҳаси йўққи, Европа давлатлари ўзаро манфаатли ишларни давом эттириш имкониятини тополмаган бўлсинлар.

Умумевропа ҳамкорлигини ривожлантириш ҳар қандай камситиш ва тазйиқдан, хоҳ сиёсий, хоҳ иқтисодий характерда бўлсин бошқа мамлакатларга қарши қаратилган ҳар қандай камситиш ва тазйиқдан ҳамма давлатларнинг воз кечишини, уларнинг тенг ҳуқуқли бўлиб ҳамкорлик қилишини ва ўз ўрталарида нормал муносабатлар ўрнатишларини, шу жумладан ҳар иккала герман давлати билан нормал муносабатлар ўрнатишларини зарур иш қилиб кўяди.

Европанинг турли социал системадаги давлатлари ўртасида яхши қўшничилик муносабатларининг йўлга қўйилиши ва ривожлантирилиши уларнинг иқтисодий ва маданий алоқаларини тағин ҳам кўпроқ активлаштириши ва шу тариқа Европа давлатларининг Европадаги вазиятни соғломлаштириш ҳамда ўзаро ишонч ва ҳурматни ривожлантириш ишига амалий ҳисса қўшиш имкониятларини оширишни мумкин.

Иккинчи. Социалистик мамлакатлар жаҳоннинг ҳарбий блокларга ва иттифоқларга бўлинишига ҳамиша изчил равишда қарши бўлиб келдилар ҳамда ялпи тинчлик ва хавфсизлик учун мана шундай бўлинишдан келиб чиқадиган хавф-хатарни йўқотишни талаб қилиб келдилар.

НАТО ҳарбий агрессив гуруҳи тузилганлигига ва бу агрессив блокка Ғарбий Германия аъзо қилиб олинганлигига жавобан, суверен ва тенг ҳуқуқли давлатларнинг дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги Варшава шартномаси — мудофаа пакти тузилди, бу мудофаа пакти Шартномада қатнашувчи мамлакатлар хавфсизлигини ва Европадаги тинчликни ҳимоя қилиш қуролидир.

Лекин Варшава шартномасида қатнашувчи мамлакатлар империалистик кучлар сабабли тузилган ҳарбий блокларнинг ва бошқа давлатлар территориясида ҳарбий базаларнинг мавжудлиги давлатларнинг бир-бири билан ҳамкорлик қилиши йўлига қўйилган тўсиқ деб ҳисоблаб келдилар ва ҳисоблайдилар. Халқаро турмушнинг ҳозирги соғлом тенденцияларига зид ҳарбий гуруҳларнинг мавжудлиги эмас, балки Европада қитъадаги ҳамма давлатларнинг тенг ҳуқуқли ва бир-бирини ҳурматлаш муносабатларига, Европадаги барча миллатларнинг биргаликда куч ва ғайрат сарфлашларига асосланган хавфсизликнинг самарали системасини ўрнатиш Европадаги ҳар бир мамлакат хавфсизлигининг ва тараққиётининг чинакам гарантияси бўлиши лозим.

(Охири иккинчи бетда)

ХИМИКЛАР МАЖБУРИЯТНИ БАЖАРДИЛАР

Ўзбекистон химиклари беш йиллигнинг биринчи йили топшириқларидан ташқари 50 минг тонна минерал ўғит ишлаб чиқариш мажбуриятини олган эдилар. Бу социалистик мажбурият олти ой ичида муддатидан олдин бажарилди. Йиллик мажбуриятга қўшимча суратда пландан ташқари ишлаб чиқарилган минерал ўғитлар ортилган вагонлар қишлоқларга жўнатилди.

Чирчиқ электрохимия комбинатининг коллективи пландан ташқари маҳсулот ишлаб чиқаришга айниқса катта ҳисса қўшди.

Ишлаб чиқариш қувватларидан яхшироқ фойдаланиш ва энг янги машина — ускуналарни ўзлаштириш учун олиб борилган кураш натижасида ана шу муваффақиятга эришилди. [ЎзТАГ].

ЕВРОПАДА ТИНЧЛИКНИ ВА ХАВФСИЗЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ ТЎҒРИСИДА

ДЕКЛАРАЦИЯ

(Боши биринчи бетда)

Ушбу декларацияга имзо чеккан мамлакатлар аввало Европадаги ҳарбий кескинликни юмшатиш чораларини кўриш зарур бўлиб қолди, деб ҳисоблайдилар. Мавжуд ҳарбий иттифоқларни айни бир вақтда тарқатиб юбориш бунга эришишнинг энг муҳим йўли бўлур эди, ҳозирги вазият эса, буни мумкин бўладиган иш қилиб қўймоқда. Шимолий Атлантика иттифоқининг ҳаракатлари тўхтатилган тақдирда Варшава шартномаси ўз кучини йўқотади, деб ва уларнинг ўрнини Европа хавфсизлиги системаси олиши лозим деб давлатларнинг ҳукуматлари неча марталаб кўрсатиб келдилар. Ҳозир улар мазкур иттифоқларни айни бир вақтда тугатишга ўзларининг тайёр эканликларини тантанали равишда таъкидлайдилар.

Бироқ, Шимолий Атлантика шартномасида қатнашувчи давлатлар ҳар иккала гуруҳни батамом тарқатиб юборишга аввалгидек ҳозир ҳам тайёр бўлмасалар ушбу Декларацияга имзо чеккан давлатлар Шимолий Атлантика пактининг ҳам Варшава шартномасининг ҳам ҳарбий ташкилотларини тугатиш тўғрисида ҳозирнинг ўзидаёқ битимга келишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайдилар. Айни вақтда улар шуни айтадиларки, модомики, Шимолий Атлантика блоки давом этаберар экан, ва агрессив империалистик доиралар бутун дунёда тинчликка ҳамла қилаберар эканлар, ушбу кенгашда қатнашган социалистик мамлакатлар юксак даражада ҳушёрликни сақлаб турган ҳолда ўзларининг қувватларини ва мудофаа қобилиятларини қатъият билан мустаҳкамлайберадилар.

Шу билан бир вақтда биз Шимолий Атлантика пактининг ва Варшава шартномасининг қатнашчилари бўлган ҳамма давлатлар, шунингдек ҳеч бир ҳарбий иттифоққа қатнашмаётган мамлакатлар Европа хавфсизлиги ишини олдинга силжитиш мақсадида икки ёқлама ёки кўп ёқлама асосда куч ва ғайрат сарфлашлари зарур деб ҳисоблаймиз.

Учинчи. Ҳозирги вақтда Европа қитъасида ҳарбий кескинликни юмшатишга қаратилган қуйидаги қисмий чоралар ҳам катта аҳамият кашф қилмоқда, чунончи:

Чет эл ҳарбий базаларини тугатиш;

Барча чет эл қўшинларини ўзга мамлакатларнинг территорияларидан ўз миллий чегаралари доирасига олиб кетиш;

ҳар иккала герман давлати қуролли кучларининг сонини келишиб олинган ҳажмда ва келишиб олинган муддатларда қисқартириш;

ядро можароси хавфини йўқотишга қаратилган чоралар кўриш: ядросиз зоналар вужудга келтириш, ядро қуролига эга бўлган давлатларнинг бу қуролни шундай зоналардаги давлатларга қарши қўлланмаслик тўғрисида ўз зиммаларига мажбуриятлар олишлари ва ҳоказо;

атом ва водород бомбалари ортилган чет эл самолётларининг Европа давлатларининг территориялари тепасида учиб юришларини тўхтатиш ҳамда ядро қуроли ортилган чет эл сув ости ва сув усти кемаларининг Европа давлатлари портларига киришларини тўхтатиш.

Тўртинчи. Германия Федератив Республикасининг ядро қуроли олишни даъво қилаётганлиги Европадаги тинчлик иши учун хатарли эканлигини эътиборга олиб, давлатлар Германия Федератив Республикасининг ҳар қандай формада — бевосита ёки давлатларнинг гуруҳлари орқали, бавосита, ядро қуролига эга бўлиш имкониятига, унинг шундай қуролни фақат ўзи тасарруф қилишига ёки бундай қуролни тасарруф қилишда ҳар қандай формада иштирок қилишига йўл қўймаслик учун ўзларининг куч ва ғайратларини сарфлашлари лозим. Европа халқларининг ва бошқа қитъалардаги халқларнинг ҳам келажаги шу масаланинг қандай ҳал этилишига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Бу масалада ҳам чалакам-чатти иш қилинишига йўл қўйиб бўлмайди.

Бешинчи. Чегараларнинг даҳлсизлиги Европада мустаҳкам тинчликнинг негизидир. Европадаги вазиятни нормаллаштириш манфаатлари ҳам Европадаги давлатларнинг, шунингдек ҳам Европа қитъасидан ташқаридаги давлатларнинг ҳаммаси ўзларининг ташқи сиёсатларида инсоният тарихидаги энг қирғин урушдан сўнг Европа давлатлари ўртасида вужудга келган мавжуд реал чегараларни, шу жумладан Польшанинг Одер — Нейссе линияси бўйлаб ўтган чегарасини ва ҳар иккала герман давлати ўртасидаги чегарани эътироф қилишга асосланиб, иш олиб боришларини талаб қилади.

Олтинчи. Германия масаласини тинч йўл билан бартараф қилиш Европадаги тинчлик манфаатларига мос бўлиб тушади. Кенгашда қатнашган социалистик давлатлар шу проблемани ҳал қилиш йўлларини қидиришни давом эттиришга тайёрдирлар. Бу тўғридаги қарор барча манфаатдор мамлакатларнинг хавфсизлиги манфаатларини, умуман Европа хавфсизлиги манфаатларини ҳисобга олиши лозим.

Воқеълikka асосланиб, аввало иккита герман давлати — Германия Демократик Республикаси ва Германия Федератив Республикаси мавжуд деган пактни эътироф қилишга асосланиб, иш кўрилганидагина Европадаги хавфсизликнинг бошқа жиҳатларига доир масалаларда бўлгани каби бу масалада ҳам конструктив йўл тутиш мумкин. Айни вақтда проблеманинг бундай бартараф қилинмоғи учун мавжуд чегараларни эътироф қилиш ва ҳар иккала герман давлати ядро қуролига эга бўлишидан воз кечиши зарур.

Фаолиятнинг турли соҳаларида — сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий, маданий соҳаларда Европааро ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш йўлида қилинаётган ишларда ҳар иккала герман давлатининг тенг ҳуқуқли бўлиб иштирок қилиши шу давлатлардаги ишчилар синфи, деҳқонлар, зиёлиларнинг, бутун аҳолининг тараққиёт ва тинчлик ишига Европадаги бошқа халқлар билан бир қаторда ўз имкониятларига ва ўзларининг бунёдкорлик қобилиятларига яраша ҳисса қўшишларига имкон беради.

Ҳар иккала герман давлатини бирлаштириш масаласига келганда бу максадга кескинликни юмшатиш, ҳар иккала суверен герман давлатининг бир-бири билан яқинлашуви ва бир-бири билан битимга келиши орқали, Германия ва Европада қуролсизланиш тўғрисида битимга келиш орқали ва Германия бирлаштирилган тақдирда бундай бирлашган герман давлати чинакам тинчликсевар, демократик давлат бўлиб қолади ва у ўзининг қўшиларига ва Европадаги тинчликка ҳеч қачон таҳдид солмайдиган бўлади деган принцип асосида эришилади.

Еттинчи. Европада хавфсизликни таъминлаш ва умумевропа ҳамкорлигини йўлга қўйиш масалаларини муҳокама қилмоқ учун Умумевропа кенгашини чақириш катта ижобий аҳамиятга эга бўлур эди. Бундай кенгашда эришиладиган битим, масалан, Европа хавфсизлигини сақлаб туриш ва мустаҳкамлаш манфаатлари йўлида ҳамкорлик қилиш тўғрисида Умумевропа Декларацияси шаклида ифодаланиши мумкин бўлур эди. Бундай Декларацияда шу Декларацияга имзо чеккан давлатларнинг бир-бирларига нисбатан муносабатларда тинчлик манфаатларига амал қилиш, низоли масалаларни фақат тинч йўл билан ҳал қилиш, бир-бирларини қизиқтирувчи масалалар устида маслаҳатлашиб туриш ва бир-бирларини хабардор қилиб туриш, бир-бирлари билан иқтисодий, илмий-техникавий, маданий алоқаларни ҳар томонлама ривожлантиришга кўмаклашиш тўғрисида ўз зиммаларига оладиган мажбуриятларини кўзда тутиш мумкин бўлур эди. Декларация барча манфаатдор давлатларнинг қўшилиши учун очиқ бўлиши лозим.

Европа хавфсизлиги ва ҳамкорлиги масалаларига атаб кенгаш чақириш Европада хавфсизлик системасини вужудга келтиришга ёрдам берган бўлур эди ва Европанинг ҳозирги тарихида катта босқич бўлиб қолур эди. Бизларнинг мамлакатларимиз бундай кенгашда Шимолий Атлантика шартномасининг қатнашчилари бўлган бошқа манфаатдор давлатлар учун ҳам шунингдек бетараф давлатлар учун ҳам қулай бўлган ҳар қандай вақтда қатнашишга тайёр. Европанинг бетараф мамлакатлари шундай кенгашни чақириш ишида ҳам ижобий роль ўйнашлари мумкин бўлур эди.

Ўз-ўзидан равшандирки, бундай учрашув ёки конференциянинг кун тартиби ҳамда уни тайёрлашнинг бошқа масалалари барча қатнашувчи давлатлар билан биргаликда уларнинг ҳар қайси киритаётган таклифларини назарда тутиб, белгиланиши лозим.

Кенгашда қатнашган мамлакатлар Европа хавфсизлиги проблемаларини муҳокама қилишга имкон берадиган бошқа методлардан ҳам: дипломатик йўллар билан музокаралар олиб бориш, ташқи ишлар министрларининг ёки махсус вакилларининг икки ёқлама ёки кўп ёқлама асосда учрашувларини ўтказиш, энг юксак доирада учрашувлар ўтказиш методларидан ҳам фойдаланишга тайёрдирлар. Кенгашда қатнашган мамлакатлар юқорида баён этилган мулоҳазалар Европа хавфсизлигини таъминлашнинг асосий, энг муҳим жиҳатларини ўз ичига олади деб ҳисоблайдилар. Кенгашда қатнашган мамлакатлар ҳар бир давлат ўртага ташлаган ёки ўртага ташлаши мумкин бўлган бошқа таклифларни ҳам муҳокама қилишга тайёрдирлар.

Бундай муҳокама қатнашувчиларига келганда Варшава Шартномаси давлатлари бундан ҳеч кимни мустасно қилмайдилар. Европа проблемаларини муҳокама ва ҳал қилишда қатнашиш ёки қатнашмаслик ҳар бир давлатнинг ўз ишидир.

У ёки бу давлат қандай сиёсий йўл танлаб олиши — тинчлик ва хавфсизлик манфаатларига мос келадиган сиёсий йўлни танлаб олади ми ёки шу манфаатларга зид сиёсий йўлни танлаб оладими, бу нарса халқларга барибир эмас, албатта.

Кенгаш қатнашчилари Европадаги ишларнинг қай йўлда ривожланишига бошқа қитъалардаги мамлакатлар ҳам бепарво бўлиб қолишлари мумкин эмаслигини аминдирлар. Ҳар иккала жаҳон урушларининг алангаси Европа ерида ловулланган бўлса ҳам, лекин деярлик бутун планетани қуйдирди. Кўпгина мамлакатлар, шу жумладан Европадан олисдаги қитъалар ҳам вайронгарчиликка учрадилар ва уларнинг одамлари қурбон бўлди. Шу сабабли тинчлик тақдири тўғрисида ғамхўрлик қилаётган ҳар бир ҳукумат Европадаги вазиятни юмшатишга ва соғломлантиришга олиб борадиган ҳар бир қадамни табрикламаслиги, бу йўлда сарфланаётган куч ва ғайратни қўллаб-қувватламаслиги мумкин эмас.

Бизларнинг мамлакатларимиз Европа хавфсизлигининг мустаҳкамланишидан ўзларининг манфаатдор эканликларини, шу мақсадга олиб борадиган чора-тадбирларни кўришда қатнашишга ўзларининг тайёр эканликларини билдириб, шу нарсага аминдирларки, умумжаҳон аҳамиятга эга бўлган проблемани ҳал қилишга ҳисса қўшиш Европадаги барча давлатларнинг бурчидир. Бундай проблемаларнинг бартараф қилиниши Европадаги вазиятга ҳам ҳайрли таъсир ўтказиши шак-шубҳасиз. Давлатларнинг ички ишларига аралашмасликни таъминлаш, халқаро муносабатларда куч қўлланишни ёки куч билан таҳдид қилишни тақиқлаш, қуролсизланиш, ядро қуролини қўлланишни тақиқлаш ва ядро уруши хавфини йўқотишга, ҳамма формалар ва кўринишлардаги мустамлакачиликни батамом тугатишга, ўзга мамлакатларнинг территорияларидаги чет эл ҳарбий базаларини тугатишга, тенг ҳуқуқли халқаро иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган бошқа катта чора-тадбирлар шу проблемалар қаторига киради. Ўз навбатида ушбу кенгашда қатнашган давлатлар мазкур жаҳон проблемаларини тезроқ ҳал этишга кўмаклашмоқ учун қўлларидан келган ҳамма чораларни бундан буён ҳам кўраверадилар. Кенгашда қатнашган давлатлар Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Уставига қаттиқ риоя қилиш, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг универсаллигини таъминлаш, унинг фаолиятини жаҳонда рўй берган ўзгаришларга мувофиқ ҳолга келтириш асосида шу ташкилотни мустаҳкамлашга катта аҳамият берадилар ҳамда ялпи тинчликни ва хавфсизликни сақлаб қолиш ва халқлар ўртасида дўстона муносабатларни ривожлантириш мақсадида бу Ташкилотнинг самарадорлигини оширишга бутун чоралар билан кўмаклашаберадилар.

Ушбу **Декларацияга имзо чеккан** давлатлар Европада тинчликни мустаҳкамлашнинг ўзаро мақбул йўлларини бошқа давлатлар билан биргаликда қидиришга ўзларининг тайёр эканликларини билдирадилар. Улар халқаро миқёсда тинчлик йўлини, давлатларнинг халқаро ҳамкорлиги йўлини, барча эрксевар ва прогрессив кучларни жипслаштириш йўлини ҳимоя қилишга, империалистик агрессияга қарши, диктат ва зўравонлик сиёсатига қарши курашишга, эркинлик, миллий мустақиллик ва социал тараққиёт ишини қўллаб-қувватлашга маҳкам бел боғлаганлар. Кенгаш қатнашчилари барча Европа ҳукуматларига ва миллатларига, қитъамиздаги барча тинчлик ва тараққиёт кучларининг идеологик, сиёсий ёки диний эътиқодларидан қатъий назар, шу кучларнинг ҳаммасига мурожаат қилиб, уларни жаҳон цивилизациясининг энг муҳим марказларидан бири бўлган Европанинг тенг ҳуқуқли миллатлар ҳар томонлама ва самарали ҳамкорлик қиладиган қитъа бўлиб қолиши, бутун дунёдаги мустаҳкам тинчлик ва ҳамжиҳатликнинг қудратли фактори бўлиб қолиши учун ўзларининг бутун кучларини бирлаштиришга чақирадилар.

Болгария Халқ Республикаси номидан
Тодор ЖИВКОВ
Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, Болгария Халқ Республикаси Министрлар Советининг Раиси

Венгрия Халқ Республикаси номидан
Янош КАДАР
Венгрия Социалистик Ишчи партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари

Дьюла КАЛЛАИ
Венгрия Революцион ишчи-деҳқон ҳукуматининг Раиси

Германия Демократик Республикаси номидан
Вальтер УЛЬБРИХТ
Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, Германия Демократик Республикаси Давлат кенгашининг Раиси

Вилли ШТОФ
Германия Демократик Республикаси Министрлар Советининг Раиси

Польша Халқ Республикаси номидан
Владислав ГОМУЛКА
Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари

Юзеф ЦИРАНКЕВИЧ
Польша Халқ Республикаси Министрлар Советининг Раиси

Румыния Социалистик Республикаси номидан
Николае ЧАУШЕСКУ
Румыния Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари

Ион Георге МАУРЕР
Румыния Социалистик Республикаси Министрлар Советининг Раиси

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи номидан
Л. И. БРЕЖНЕВ
Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари

А. Н. КОСИГИН
Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Министрлар Советининг Раиси

Чехословакия Социалистик Республикаси номидан
Антонин НОВОТНИЙ
Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, Чехословакия Социалистик Республикасининг президенти

Йозеф ЛЕНАРТ
Чехословакия Социалистик Республикаси ҳукуматининг Раиси

Бухарест, 1966 йил 5 июль.

АҚШНИНГ ВЬЕТНАМДАГИ АГРЕССИЯСИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БАЁНОТ

Сиёсий маслаҳат комитетининг Бухарест кенгашида иштирок қилган Варшава шартномасида қатнашувчи давлатлар — Болгария Халқ Республикаси, Венгрия Халқ Республикаси, Германия Демократик Республикаси, Польша Халқ Республикаси, Руминия Социалистик Республикаси, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи, Чехословакия Социалистик Республикаси Америка Қўшма Штатларининг Вьетнамдаги агрессияси натижасида вужудга келган аҳволни, хусусан Америка қуролли кучларининг Вьетнам халқига қарши урушни кенгайтиришга қаратилган янги жиноий ҳаракатлари муносабати билан муҳокама қилдилар.

Кенгаш қатнашчилари Шимолий Вьетнамнинг аҳоли яшайдиган энг йирик марказлари — Ханой ва Хайфон порти атрофидаги жойларнинг бомбардимон қилинишини Америка томонидан Вьетнамда олиб борилаётган уруш «эскалацияси» сиёсатининг янги янада хатарли босқичи, деб ҳисоблайдилар. Бунинг натижасида Вьетнамдаги уруш халқаро вазиятни жиддий суратда мушкуллаштириб, тинчлик ва умумий хавфсизлик учун янада кўпроқ хатарли бўлган янги характер олмоқда.

Кенгаш қатнашчилари ана шу жиноий ҳаракатларни қаҳр-ғазаб билан қоралайдилар ва қардош Вьетнам халқининг ўз ватани озодлиги ва мустақиллигини ҳимоя қилиш, унинг бирлиги ва бутунлиги учун олиб бораётган мардона курашини тамомила қўллаб-қувватлаётганликларини изҳор қиладилар.

I.

АҚШнинг Вьетнамдаги уруши Америка империализми агрессив сиёсатининг энг разил кўринишидир Бу халқаро ҳуқуқни, халқаро битимларни таҳқир этиш, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Уставини сурбетларча поймол этишдир. 1954 йилда Женевада тузилган битимларнинг бажарилишига АҚШнинг ўзи халақит берди. Бу битимлар умум Вьетнам сайловлари ўтказишни ва ажнабийларнинг ҳар қандай аралашувига йўл қўймай, Вьетнамни бирлаштиришни кўзда тутар эди.

Америка қўшинлари Вьетнамга босқинчилар сифатида, Вьетнам халқининг озодлиги ва мустақиллигини бўғувчилар сифатида келишди. Бу қўшинлар Вьетнамга қарши олиб бораётган босқинчилик урушида АҚШ тобора шафқатсиз ва ваҳшиёна воситаларни ишлатмоқда, тинч аҳолини қирмоқда, напалм ва заҳарли моддаларни ишлатишдан ҳам қайтмаётир. Бу ёвузликларни қилаётган кишилар гитлерчи ҳарбий жиноятчиларнинг йўлидан боришмоқдалар. Америка қўшинлари ва уларнинг шериклари томонидан Вьетнамда қилинаётган ҳаракатлар тинчлик ва инсониятга қарши жиноят бўлиб, халқаро миқёсда энг оғир жавобгарликни юклайди. Агрессорлар тарих сабокларини эътиборга олишлари ва ўз ёвузликлари учун жавобгарликдан қочиб қутула олмасликларини эсда тутишлари керак.

Америка агрессорлари Вьетнам халқига етказган жуда катта моддий вайронгарчиликлар ва талафотлар учун, шаҳар ва қишлоқларни вайрон қилганликлари учун, ёндирилган касалхоналар ва мактаблар учун, ер билан яксон қилинган алоқа йўллари учун, тинч аҳолига нисбатан қилинган ҳамма ваҳшийликлар учун қасос олинишидан қочиб қутула олмайдилар.

АҚШ ҳукумати шуни билиб қўймоғи керакки, Вьетнам халқига қарши нечоғли кўп жиноят қилинса, уларнинг айби ҳам шу қадар кўп оғирлашади, бу айб учун шунчалик шафқатсиз қасос олинади.

АҚШ ҳукумати қурол ёрдами билан ўз тартибларини Жанубий Вьетнам аҳолисига мажбуран қабул қилдиришга, бу мамлакатда халққа ашаддий душман бўлган чирик ҳарбий диктатура режимини сақлаб қолишга уринмоқда. Бу режим Америка найзалари ёрдами билангина ўзини сақлаб турибди. Ўз хоҳишини бошқа ҳар қандай мамлакатнинг халқига, шунингдек Вьетнам халқига мажбуран қабул қилдиришга ҳеч кимнинг ҳаки йўқ. Вьетнам халқигина ўз мамлакатида қандай тартиблар ўрнатиш керак-лигини ҳал эта олади ва бу иш унинг даҳлсиз ҳуқуқидир.

Америка Қўшма Штатлари Ҳинди-Хитой ярим оролидаги бошқа мамлакатларни ҳам асоратга солишни истар эдилар. Улар Лаоснинг ички ишларига сурбетларча аралашишни кучайтирмоқдалар. Лаос территориясини бомбардимон қилмоқдалар, мустақил Камбоджага қарши ирвогарликни давом эттирмоқдалар.

Буларнинг ҳаммаси шуни исбот қиладики, Америка империализми халқларнинг миллий озодлик ҳаракатини бостиришга, уларни ўз тақдирини ўзи ҳал этиш, ўз орзуларига мувофиқ суратда тараққиёт йўлини танлаб олишдек муқаддас ҳуқуқдан маҳрум этишга уринмоқда.

АҚШ ҳукуматининг агрессив ҳаракатларидан келиб чиқадиган хавф-хатар бу ҳукуматнинг Вьетнамдаги урушга ўз иттифоқчиларини тортишга интилаётганлиги сабабли, янада кучайиб бормоқда. Австралия ва Янги Зеландия, Таиланд ва Филиппин, шунингдек Жанубий Корея кўғирчоқ режими Вьетнам халқига қарши урушда қатнашиш учун ҳозирдаёқ харбий кисмларини юбордилар ёки юбормоқдалар. Германия Федератив Республикаси Вьетнамда Америка Қўшма Штатларига сиёсий ва моддий мадад бермоқда. Қурол-яроғ етказиб бериб агрессорларга кўмаклашаётган ва Америка қўшинларини юборган ва Вьетнамдаги Америка қўшинларини таъминлаш учун ўз территориясидан АҚШнинг фойдаланишига рухсат бераётган мамлакатлар агрессия қатнашчиларидир. Ана шу ҳамма мамлакатларнинг ҳукуматлари ўзларининг бу ҳаракатлари учун эрта ёки кеч бўлса ҳам халқлар олдида жавоб берадилар.

Америка ҳукуматининг Вьетнам проблемасини ҳал этиш юзасидан музокаралар олиб боришга тайёр эканлиги тўғрисидаги даъволари ҳеч кимни чалғита олмайди. «Тинчликсеварлик ниятлари» ва «сулҳ музокаралари» олиб бориш тўғрисидаги ана шу гаплар бошдан-оёқ қалбакидир, чунки бу гаплар айтилган чоқда, уруш ҳаракатлари давом эттирилибгина қолмай, балки шу билан бирга кенгайтирилмоқда.

Вьетнамда урушнинг давом эттирилиши билан АҚШнинг қуролсизланиш йўлида қадам қўйишни истаётганлиги тўғрисидаги даъволари сира ҳам бир-бирига тўғри келмайди.

Мамлакатларимизнинг партиялари, ҳукуматлари ва халқлари қаҳрамон Вьетнам халқининг босқинчиларга қарши қурашдаги мардлиги, сабот-матонати ва ғалаба козонишга бўлган қатъиятидан ғоят хурсанд эканликларини билдирадилар. Агрессорлар ҳар қанча зўр бериб ҳаракат қилганларида ҳам, ҳар қандай янги ёвузликларини қилганларида ҳам, Вьетнам халқининг озодлик ва мустақиллик йўлидаги хоҳиш-иродасини бука олмайдилар. Кенгаш қатнашчилари Вьетнам халқи Америка империализмига қарши олиб бораётган қураши билан ўз миллий ҳуқукларинигина ҳимоя қилиб қолмай, балки жаҳон социалистик системасидаги мамлакатларнинг, барча халқларнинг тинчлик, мустақиллик, демократия ва социализм учун олиб бораётган курашига ҳам муҳим ҳисса қўшади. Социалистик мамлакатлар, халқаро ишчилар синфи ҳамда коммунистик ва ишчи партиялар, миллий озодлик ҳаракати, тинчлик ва тараққиётнинг ҳамма кучлари Вьетнам халқининг ҳаққоний иши билан самимий хайрихоҳдирлар ва у билан тамомила бирдамдирлар.

II.

Варшава шартномасида қатнашаётган ва ушбу Баёнотни имзолаган мамлакатлар Вьетнам масаласидаги ўз позицияларини ғоят зўр қатъият билан таъкидлайдилар.

Америка ҳукумати Вьетнамдаги агрессив урушни дарҳол тўхтатиши, Вьетнам масаласи юзасидан 1954 йилда Женевада тузилган битимларда кўзда тутилганидек, Вьетнам халқининг тинчлик, миллий мустақиллик, территориал бирлик ва бутунлик каби асосий миллий ҳуқукларини ҳурмат қилиши лозим.

Шу кенгашда қатнашган давлатлар ўз ишларини ҳал этиш ҳуқуқи фақат Вьетнам халқининггина ҳуқуқи эканлигига асосланиб, Вьетнам Демократик Республикаси ҳукуматининг тўрт моддадан иборат программасини ва Жанубий Вьетнам Миллий озодлик фронти илгари сурган беш моддадан иборат программани тўла равишда қўллаб-қувватлайдилар. Бу программалар Вьетнам масаласини сиёсий жиҳатдан ҳал этиш учун адолатли асос бўлади. Бу программалар 1954 йилда Женевада тузилган битимларга тамомила мувофиқ бўлиб, Шарқи-Жанубий Осиёда ва бутун дунёда тинчлик манфаатларига жавоб беради.

Америка Қўшма Штатлари Вьетнам масаласи юзасидан Женева битимларини пухта бажариш йўлига ўтиши, Вьетнам Демократик Республикасига қарши агрессияни тўхтатиши, бу республика территориясини бомбардимон қилишга дарҳол узил-кесил ва сўзсиз чек қўйиши, Жанубий Вьетнамдаги қуролли интервенцияни тўхтатиши, ўз қўшинларини ва ўз шерикларининг қўшинларини Жанубий Вьетнамдан олиб чиқиб кетиши, Американинг бу мамлакатдаги барча ҳарбий базаларини тугатиши, Миллий озодлик фронтини Жанубий Вьетнам аҳолисининг бирдан-бир ҳақиқий вакили деб тониши, Вьетнам халқининг ташқаридан аралашишга йўл қўймай, ўз тақдирини белгилаш, мамлакатни тинч йўл билан бирлаштириш масаласини ўзи ҳал этиш ҳуқукини тониши лозим.

III.

Варшава шартномасида қатнашувчи давлатлар Америка Қўшма Штатларининг уруш ҳаракатларини кенгайтириши натижасида Вьетнамда рўй берган вазиятни муҳокама қилиб:

1. АҚШ ҳукуматининг бу урушни давом эттириб ва кенгайтириб, шундан келиб чиқадиган ҳамда нималардан иборат бўлишини олдиндан айтиб бўлмайдиган оқибатлар учун, шу жумладан Америка Қўшма Штатлари ўзи дучор бўлиши мумкин бўлган оқибатлар учун бутун инсоният олдида ўз зиммасига оладиган жавобгарлиги тўғрисида АҚШ ҳукуматини энг қатъий равишда огоҳлантирадилар.

2. Вьетнамдаги урушнинг янги босқичи тақозо этган эҳтиёжларни ҳисобга олиб, Америка агрессиясини қолибона даф этиш учун зарур бўлган маънавий-сиёсий ёрдам ва ҳар томонлама ёрдамни, шу жумладан иқтисодий ва мудофаа воситалари, материаллар, техника билан ва мутахассислар билан тобора кенг кўламда ёрдам кўрсатиб келмоқдалар ва ёрдам кўрсата берадилар.

3. Башарти Вьетнам Демократик Республикасининг ҳукумати илтимос қилган тақдирда, Вьетнам халқининг Америка агрессорларига қарши олиб бораётган курашига ёрдам бермоқ учун ўз кўнгиллиларининг Вьетнамга боришларига имконият яратиб беришга тайёр эканликларини билдирадилар.

4. АҚШнинг урушни Лаос ва Камбоджа территориясига ёйишга қаратилган ҳаракатларини қатъиян қоралайдилар; бу мамлакатларнинг халқлари билан бирдам эканликларини изҳор қиладилар, Америка Қўшма Штатларининг 1954 ва 1962 йилларда шу давлатларга нисбатан ҳам тузилган Женева битимларига қаттиқ риоя қилишини, уларнинг суверенитети, мустақиллиги, бетарафлиги ва территориал бутунлигини ҳурмат қилишни талаб этадилар.

IV.

Мамлакатларимизнинг партиялари ва ҳукуматлари Вьетнам халқининг ғалабага эришмоғи учун социалистик давлатларнинг биргалашиб ҳаракат қилишлари зарур, деб ҳисоблайдилар. Бу мамлакатларнинг ҳар бири Америка агрессиясига чек қўйиш учун Вьетнам халқига ёрдам бериш мақсадида бутун куч-ғайратини бундан буён ҳам аямай, зарур чораларнинг ҳаммасини кўришга қатъий қарор берганлар.

Шу кенгашда қатнашувчи мамлакатлар тинчлик ишини қадрлаётган барча давлатларга, барча прогрессив ва тинчликсевар кучларга, жаҳон жамоатчилигига, халқаро ишчилар ҳаракатига, коммунистик ва ишчи партияларга мурожаат қилиб, уларни Америка агрессиясига қарши кураш фронтини жипслаштиришга, Вьетнамдаги ваҳшиёна урушга кескин суратда қарши чиқиб, Вьетнам халқининг мардона курашини қўллаб-қувватлашга чақирадилар.

Варшава шартномасида қатнашувчи мамлакатлар барча давлатларнинг ҳукуматларига мурожаат қилиб, уларни АҚШнинг Вьетнамдаги агрессиясига чек қўйиш, Шарқи-Жанубий Осиёдаги уруш ўчогини тугатиш, кескинликни юмшатиш ва халқаро муносабатларни нормаллаштиришга эришиш учун қўлларидан келган барча чораларни кўришга чақирадилар. Тинчликнинг тақдири учун ташвишланаётган давлатлар, ҳукуматларнинг биротаси ҳам АҚШнинг Вьетнамдаги ҳаракатларига бепарво қарай олмайди ва бепарво қарамаслиги керак. Бу ҳаракатлар Вьетнам халқининг мустақиллигига ва озодлигига таҳдид туғдирибгина қолмай, балки умумий тинчлик иши учун ҳам тобора жиддий хавфни вужудга келтирмоқда.

Бизнинг мамлакатларимиз ишонч билдириб айтадиларки, Вьетнам халқининг курашини қўллаб-қувватлаётган жаҳондаги кучлар Америка империалистларини Вьетнамдаги агрессияни тўхтатишга мажбур эта оладилар ва бу билан бутун дунёда тинчликни таъминлаш ишига катта ҳисса қўша оладилар.

Вьетнам халқи курашаётган ҳаққоний иш тантана қилади! Вьетнам халқи ғалаба қилади!

Болгария Халқ Республикаси номидан
Тодор ЖИВКОВ,
Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, Болгария Халқ Республикаси Министрлар Советининг Раиси,

Венгрия Халқ Республикаси номидан
Янош КАДАР,
Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари

Дьюла КАЛЛАИ,
Венгрия Революцион ишчи-деҳқон ҳукуматининг Раиси

Германия Демократик Республикаси номидан
Вальтер УЛЬБРИХТ,
Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, Германия Демократик Республикаси Давлат кенгашининг Раиси

Вилли ШТОФ,
Германия Демократик Республикаси Министрлар Советининг Раиси,

Польша Халқ Республикаси номидан
Владислав ГОМУЛКА,
Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари,

Юзеф ЦИРАНКЕВИЧ,
Польша Халқ Республикаси Министрлар Советининг Раиси,

Руминия Социалистик Республикаси номидан
Николае ЧАУШЕСКУ,
Руминия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари,

Ион Георге МАУРЕР,
Руминия Социалистик Республикаси Министрлар Советининг Раиси,

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи номидан
Л. И. БРЕЖНЕВ,
Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари,

А. Н. КОСИГИН,
Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Министрлар Советининг Раиси,

Чехословакия Социалистик Республикаси номидан
Антонин НОВОТНИЙ,
Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, Чехословакия Социалистик Республикасининг Президенти

Йозеф ЛЕНАРТ,
Чехословакия Социалистик Республикаси ҳукумати Раиси.

Бухарест, 1966 йил 6 июль.

„ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ“ МОСКВА УЧАСТКАСИДА

БИНОЛАР ПИШИҚ ВА КЎРКАМ БЎЛАДИ



Николай Лукин ва Николай Азовцев ўртоқлар «Главмосстрой»нинг пешқадам бульдозерчиларидан. Улар шу кунгача кўплаб бинолар учун котлованлар ҳозирлаб бердилар. Икки дўст шу кунларда ҳам зўр ғайрат билан меҳнат қиляпти. Улар қурилиш майдонларини текисламоқдалар, навбатдаги иморат учун жой ҳозирламоқдалар.

М. Нуриддинов фотолари.

Тошкентликлар жасоратига ҳозир ҳамма қойил. Ўзбекистон пойтахтининг меҳнаткашлари шаҳар бошига тушган оғир табиий офат кунларида ҳам ўзларини мардонавор тута билдилар. Маҳаллий партия, совет ва комсомол ташкилотлари юксак ташкилотчилик ва уюшқоқлик намуналарини кўрсатдилар. Ишчилар, олимлар, мединклар, шаҳардаги барча ташкилот ва муассасаларнинг ходимлари гўё ҳеч нарса юз бермагандек ўз постларида ишларини давом эттиравердилар. Бу билан улар ўзларининг темир иродали, интизомли ва мард кишилар эканликларини яна бир бор намойиш қилдилар.

«Оқ олтин» ўлкасининг пойтахти чеккан азият барча қардошларни ҳаяжонга солди. Кучли зилзила рўй берган куниёқ Совет Иттифоқи халқлари тошкентликларга ҳамдард ва ҳамкор эканликларини изҳор этдилар. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев ва СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин ўртоқларининг Тошкентга келишлари янги шаҳар бунёдкорларига катта мадад берди. Қардош бинокорлар ҳиммати ва ҳукуматимиз ғамхўрлиги билан Тошкентга томон дастлабки қурилиш поездлари йўл олди. Бизнинг коллектив ҳам биринчилар қатори янги Тошкентни бунёд этиш мақсадида Ўзбекистон пойтахтига етиб келди.

Ленин орденли «Главмосстрой» бинокорлари ўз зиммаларига катта мажбурият олишган. Биз яқин икки йил мобайнида Тошкентда 230 минг квадрат метр турар-жой биноси бунёд этишимиз лозим. Шундан 50 минг квадрат метри 1966 йилнинг охиригача зилзиладан вақтинча бошпанасиз қолиб ҳозир чодирларда истиқомат қилаётган тошкентликларга топширилади. Шу кунларда қурилиш майдонларида 1500 киши турар-жой бинолари бунёд этиш билан банд. 10—13 июлга қолмай яна 500 москвалик студент ёрдамга етиб келади. Улар ўз ёзги каникулларини Тошкент қурилишларида меҳнат қилиш билан ўтказиш истагини билдиргандар. Студентларни қабул қилиб олиш учун барча тайёргарликлар кўриб қўйилган. Улар Чилонзор районидаги мактабларнинг бирида яшаб, қурилишларда меҳнат қиладилар. Ишл охирларига бориб эса бинокорларимиз сафи яна 1500 кишига кенгаяди. Мақсадимиз қурилишлар суръатини ошириш ва тошкентликларни эртароқ шинам турар-жойлар билан таъминлаш бўлгандан кейин шундай қўшимча тадбирлар амалга оширилаверади.

Тошкент қурилишида қатнашаётган бинокорларнинг барчаси ишбилармон, қурилишда суяги қотган кишилар. Уларнинг ўзларига хос шонли тарихлари бор. Мана «Главмосстрой»га қарашли 177-қурилиш бошқармаси комплекс бригадасининг бошлиғи Ф. Карпенко. У Улуғ Ватан урушн ветерани. Запасдаги гвардия майори. Уруш йиллари самолётларни моҳирлик билан бошқариб душман юрагига минг бор ғулғула солган. Юзлаб душман танкларининг қулини кўкка совурган. Урушдан кейинги йилларда эса Москвадаги Съездлар Саройи ва Целинограддаги турар-жойларни бунёд этишда

В. ХАРИТОНОВ,
«Главмосстрой»нинг
Тошкент қурилиши бош
инженери.

● ● ●

қатнашди. Тошкентга биринчи бўлиб етиб келган коллектив ҳам Ф. Карпенко бошлиқ бригада бўлди. Улар Чилонзорнинг 26-кварталида биринчи бино пойдеворини қўйиш шарафига муяссар бўлдилар. Шоввозлар ўша куни темир парчасига автоген билан «Москва — Тошкентга. 3/VI. 66 йил» деган сўзларни ёзиб ҳам қўйишибди.

Владимир Исайтов эса эндигина 26 ёшга тўлган. Ёш бўлишига қарамай, қурилишда ўн йиллик тажрибаси бор. Бир ўзи электромонтажчи, такелажчи, арматурачи бўлиб ишлай олади. Москвада қад кўтарган кўркам бинолардa унинг ҳам кўл изи бор. Илғорлиги, моҳирлиги учун «Москванинг аълочи ёш бинокори» значоги билан мукофотланган.

Бундай донгдорлар кўп «Главмосстрой»да. Улар Москвада қандай жасорат кўрсатиб меҳнат қилган бўлсалар, Тошкент қурилишида ҳам шундай ғайрат билан ишламоқдалар. Ҳозир бир йўла 14 та объектда қурилиш ишлари олиб борилмоқда. Яқин келажакда улар сони 22 тага етади. 15 иолгача барча бинолarга тўла-тўкис пойдевор қўйиб бўлинади. Ҳозир 6- корпусда ғишт терилаётган бўлса ҳадемай тўртинчи корпусга ҳам ғишт терувчилар бригадасини ташлаймиз. Бу биноларда нечтадан квартира бўлиши ҳам қизиқтирар тошкентликларни. Москва лойиҳачилари бизга барча ҳужжатларни юборишган. Лойиҳа бўйича олтита уй 100 квартирали, 9 та бино 80 квартирали, 7 та бино 50 квартирали бўлади. Шуларнинг барчаси 1967 йилга қолмай тўла фойдаланишга топширилади. Улуғ Октябрь Социалистик революциясининг 49 йиллиги байрамига ҳам биз ўзимизнинг муносиб совғамиз билан бормоққа қарор қилдик. Бинокорларимиз байрам арафасида учта 100 квартирали, олтита 80 квартирали ва бешта 50 квартирали биноларни тошкентликлар ихтиёрига топширишга қарор қилдилар.

Коллективимиз албатта ўз сўзининг устидан чиқади. Бунинг учун барча имкониятлар мавжуд. Москвадан етиб келаётган бинокорлик материалларини пешма-пеш қабул қилиб олаяпмиз. Ҳамза станциясида биз ўзимизга қўшимча омбор ҳам қуриб олдик. Келаётган юклар тўғри шу омборга тушаяпти. Натижада вагонлар бир дақиқа ҳам ортиқча ушланиб қолмаётир. Самосвал ва юк машиналаримиз эса омборга келиб тушаётган бинокорлик материалларини марказлашган усулда қурилиш майдонларига етказиб бермоқда. 32 та самосвал, 14 та юк машинаси, 16 та автокран, 7 та минора крани, шунингдек бешта экскаватор ва ўн битта бульдозер бетиним ишлаб турибди.

Қурилиш ишлари оператив график асосида олиб борилмоқда. Мавжуд тўртта қурилиш бошқармаси ўзаро социалистик мусобақани кенг қулоч ёйдиргаллар. И. Епишкин бошлиқ 180- қурилиш бошқармаси коллективи айниқса кувончли натижаларни қўлга киритяпти. Улар Тошкентга кечроқ етиб келган бўлишларига қарамай, қисқа вақт ичида ишни намунали ташкил эта олдилар. Ҳозир бошқарма қураётган участкаларда бинокорнинг пойдеворлари тўла қўйиб бўлинди. Ҳадемай, улар ҳам ғишт теришга киришадилар.

Янги Тошкент яратишга бутун мамлакат ўз ҳиссасини қўшмоқда. Барча қардош республикалар бинокорлари ён-веримизда меҳнат қилмоқдалар. Улар ҳам қисқа вақт ичида катта ишларни амалга оширишган. Дўстларимиз ҳиммати ва ғайрати москваликлари тағин ҳам юксакроқ марраларга томон ундамоқда. Барчамиз бир ёқадан бош чиқариб, қўлни-қўлга бериб албатта табиий офат оқибатларини бартараф этамиз. Тошкент яна кулиб боқади. У бизилмас дўстлигимиз рамзи сифатида яна минг йиллар умр кўради.

ҚУРУВЧИ СТУДЕНТЛАР

«Дўстлик» Бутуниттифоқ студентлар отрядининг аъзолари бўлган ва ихчам иш кийимлари кийган йигитларни шу кунларда Тошкентнинг кўпгина қурилиш майдончаларида учратиш мумкин. Мамлакат студентларининг вакиллари «Главташкентстрой» қурилиш бошқармаларига қарашли ташкилотларда, «Средазтранс строй» объектларида ва бошқа жойларда меҳнат қилмоқдалар.

Кўнгиллилар махсус бригадаларга бўлинишган. Бу бригадаларга алоҳида-алоҳида объектлар берилган. Ленинград, Ереван, Боку, Эстония, Қирғизистон, Латвия вакиллари Болгарские огороди массиви қурилишларида ишламоқдалар. Улар бу ерда 31 та йигма, иккита эллик квартирали, битта қирқ беш квартирали уйжой биноларини қура бошладилар. Икки қаватли болалар боғчасини ҳам барпо этадилар.

«Дўстлик» отрядининг аъзолари — бўлажак инженерлар ва врачлар, педагоглар ва агрономлардир. Лекин уларнинг ҳар бири ҳозирнинг ўзидаёқ қурувчилик касбини эгаллаб олган ёки шу касбни эгалламоқда. Руднийдан келган студентлар группаси комплекслашган. Бу группа Гвардейский кўчасида ишламоқда. Улар учта йирик уй-жой биноси, болалар боғчасини қуриб берадилар. Бу вазифа муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Студентларнинг вакиллари тошкентга бетўхтов келиб турибди. Сўнгги уч кун ичидагина бу ерга Боку, Омск, Белоруссиядан неча юзлаб кўнгиллилар келишди. Тошкент ёшларининг вакиллари 5 июлда Москва, Минск ва Горький студентларидан катта группасини самимий кутиб олдилар.

(ЎзТАГ).

МОСКВА—ТОШКЕНТГА

ДЎСТЛИК ШАҲРИ

Мен билан ёнма-ён ишлаётган бинокорларнинг кўпчилиги Улуғ Ватан уруши йилларн Москвадан Берлингача фашистни савалаб борган. Улар ўша кезларни тез-тез эслаб туришади. Бир дона папиросни бўлишиб чекканлари, бир сатилчадан гурунглашиб овқат еганлари ҳақида гапиришади. Кимнинг уйидан посилка келмасин ўртага қўйилар, рус, украин, ўзбек бирга баҳам кўришар экан.

Шу гапларни эшитиб ўйлаб кетаман. Нақадар иноқ, қувноқ халқимиз бор-а, бизнинг. Бир ёқадан бош чиқариб Советлар ҳокимиятини тузадик. Бир жон, бир тан бўлиб ҳаёт-мамот жангларида немис фашизми устидан ғалаба қозондик. Биргалашиб чўлларни гулистонга айлантирдик, қўша-қўша шаҳарлар бунёд этдик. Мана ҳозир ҳам яна ҳаммамиз бир фронтда «жанг» қилмоқдамиз. Табиий офат оқибатларини бартараф этишда ўзбек ва рус ҳам, белорус ва қозоқ ҳам, тожик ва украин ҳам тер тўкмоқда. Бинокорлар ягона сафда турибн янги, навқирон, дўстлик шаҳри бўлмиш Тошкентни қайта бунёд этмоқдалар.

Бошқармамиз коллективи қардошлик ҳиссини чуқур англаб, Тошкентга келган. Ҳозир барча участкаларда иш уч сменада ташкил этилган. Қўшни коллективлар билан ўзаро социалистик мусобақа кенг қулоч ёйдириб қурилиш суръатига-суръат қўшмоқдамиз. Зиммамизга тўртта беш қаватли бино қуриш вазифаси юкланган. Уларнинг ҳар бири юз квартирали бўлади. Бу вазифани бажарувчи ишлаб чиқариш командирлари, моҳир бинокорлар оз эмас орамизда. Бригадирлар, прораб ва мастерлар бинокорлик материалларининг вақтида етиб келиши устидан пухта контроллик ўрнатганлар. Қурувчилар бирор соат иш вақтини ҳам бекор кетказмасликка ҳаракат қилмоқдалар.

Қисқа вақт ичида қудратли техника ёрдами билан тўртта бино учун котлован тайёрладик. Ҳозир биринчи корпусда девор блоклари монтаж қилинаяпти. Иш суръати чакки эмас. Уч автокран ва битта минора крани монтажчилар қўли остига блокларни етказиб бермоқда. Асосий ишлар тугаб қолган. Ҳадемай монтажчилар ўрнини ғишт терувчилар эгаллашади.

Иккинчи корпусда эса, ҳозир пойдевор қўйилаяпти. Бетончилар ҳар сменада юз кубометр бетонни арматуралар тўри ётқизилган пойдеворларга қуйиб улгирмоқдалар. К. Нагимов бошлиқ коммунистик меҳнат бригадаси аъзолари бу объектда ўзларини кўрсатишаяпти. Бригадирнинг ўғли ишчан йигитлардан. 11 йилдан бери қурилиш майдонида. Ҳозир 36 бинокорга моҳирлик билан бошчилик қилмоқда. У кўп йиллар Целиноградда ҳам меҳнат қилган. Чўлқуварлар учун шинам турар-жойлар, мактаб ва боғчалар, кинотеатр ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналари бунёд этишда ўз ҳиссасини қўшган. Москвада эса Лужники стадиони, Кремлдаги Съездлар саройи, «Россия» мехмонхонаси каби уникал қурилишларда меҳнат қилган. Мана энди янги Тошкент яратишда ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Бундай пешқадамлар истаганингизча топилади. К. Нагимов бошлиқ бригада билан мусобақалашаётган А. Гучапов бошлиқ коллективни олиб кўринг. Бу коллективнинг 40 аъзоси бор. Улар учинчи корпусни бетон қуйишга тайёрлашмоқда. Йигитларнинг қўлидан ҳар қандай иш ҳам келаверади. Монтажчи ҳам, арматурачи ҳам, ғишт терувчи ҳам бор бу коллективда.

Бошқармамиз бинокорлари тўртинчи корпус қурилишига яқинда қўл уришди. Экскаваторчи Дмитрий Кротов ҳозир бино котлованини қазимоқда. Учинчи корпусда меҳнат қилаётган арматурачилар бугун-эрта ишни тўртинчи корпусда давом эттиришади. Бизда шундай. Иш конвейер усулида ташкил этилган.

Тошкентга янги келган кезимиз бизга турар-жой биноларидан ташқари бетон қориш узелини монтаж қилиш вазифаси ҳам топширилган эди. Бетонсиз қурилишни тасаввур этиш қийин ҳозир. Шуни чуқур ҳис этган монтажчиларимиз ҳар сутқада 200 кубометрга яқин бетон қоришмаси ҳозирлаб бера оладиган узелни қисқа муддат ичида қўлдан чиқаришди. Ҳозир бетон узели барча қурилишлар учун сифатли қоришма етказиб бераяпти.

Ишларимиз кўлами тобора кенгайиб бормоқда. Асосий иш мана энди бошланяпти. Ташкилий даврдан муваффақиятли ўтган коллективимиз ҳозир қурилиш суръатига қанот боғламоқда. Ҳадемай бошқармамиз бинокорлари қўли билан яратилаётган дастлабки иморатлар ўзини кўрсатиб қолади. Йил охирларига бориб тошкентликлар бу биноларга кўчиб киришади. Арматура пайвандчиси В. Сурков, ғишт терувчи С. Зоркин, монтажчи В. Зайцев ўртоқлар тошкентлик марду-майдонларни тезроқ шинам квартиралар билан таъминлаш ишқида ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар. Орадан кўп ўтмайди, Тошкент яна навқирон гўзал шаҳарга айланиб қолади. Дўстлар қудрати бунга қодир.

П. КУБАРСКИЙ.
«Главмосстрой» 178-қурилиш бошқармасининг участка бошлиғи.



Москвалик бинокорлар бирйўла 14 бино қурилишини олиб бормоқдалар. Барча объектларда иш суръатига сўраат қўшиляпти. Суратда- 6-корпусга ғишт терилмоқда.

26-КВАРТАЛДА

РЕПОРТАЖ

«26-Чилонзор микрорайонини Ленин орденли «Главмосстрой» қуради». Катта йўлнинг бўйига ўрнатилган бу стенд ўтганнинг ҳам, кетганнинг ҳам эътиборини ўзига тортади. Уни ўқиган киши стенд орқа томонида ястанган улкан қурилиш майдонига, кўкка устун бўлгудек баланд қомат минора кранларига, наъра тортиб ўрмалаётган машина ва бульдозерларга бехтиёр нигоҳини ташлайди. Бутун бошли квартални биргина москвалик дўстларимизнинг ўзлари қуриб беришмоқчи. Уни квартал эмас, кўркам шаҳарча деса ҳам бўлади. 230 минг квадрат метр турар-жойи, шунга яраша мактаб ва боғчалари, спорт иншоотлари ва ҳиёбонлари бўлганидан кейин шаҳарчадан қаери кам бўлади бу квартални.

Олдимиздан бортида бир уюм ғишти билан юк машинаси ўтиб кетди. Орқасида прицепи ҳам бор. Машина ёнига «Москва—Тошкентга» деб ёзиб қўйилган. У тўғри бориб 6-корпус қаддини ростлаётган бинокорлар олдига кўндаланг бўлди. Бригадирнинг ишораси билан минора крани ҳаракатга келди. Стрела учидаги сим илмоқлар ҳавода оҳиста тебраниб ғишт поддонларига уланди. Бир уюм ғишт Борис Трегубов олдига, яна бир уюм ғишт Николай Зубченко ёнига туширилди.

— Энди бўш келмаймиз, Галя. Қани, қоришмадан сол.

Ёрдамчи ишчи Галина Потапова темир яшикдаги қоришмадан бир курак олиб, терилган ғишт устига ёзди. Николай ғиштларни теришга киришди. Ғиштмисан ғишт экан ўзиям. «100» маркали аъло сортли барчаси.

Бинонинг нариги четида ишлаётган Борис Трегубовнинг ҳам қўли-қўлига тегмайди. Ҳар секундда «қоришма сол» деб ёрдамчисини шоширади қўймоқда. Борис Петрович 20 йилдан бери уй қуради. Урушдан қайтган-у, солдат гимнастёркасини бинокор коржомасига алмаштирган. Дастлаб фашистлар вайрон қилган шаҳар ва қишлоқларни тиклади. Сўнг Москвада кўркам массивлар бунёд этди.

— Ким ўзарга ишлаб яна сифатни эсдан чиқариб қўйманглар, — Василий Михайлович Сидоров келиб қолди шу пайт.

Василий Михайлович сифат бўйича инспектор. Зум ўтмай терилаётган ғиштларнинг чокларини, кўтарилаётган бурчакларнинг вертикаллигини текшириб туради. Сейсмик белбоғларнинг уланган жойларини кўздан кечиради. Ҳиёл нохушлик сезса борми, ҳеч кимни аямайди. Юз-хотир қилмай қаттиқ қойиб ташлайди. Ҳозир ҳам терилган ғиштларни бирбир синчиклаб кузатиб чиқди. Аммо ҳеч қандай эътироз билдирмади. Фақат жилмайди-да:


— Баракалла шоввозлар,— деди.

— Шундай уй қураяпмизки, ер минг кучанса ҳам пашша чақканчалик таъсир кўрсатолмайди, — дейди 177-қурилиш бошқармаси бош инженери Эрнест Всеволодович Стародуб. — Бу гап биз биринчи марта пойдеворга ҳам сейсмик белбоғ ўтказдик. Ҳар қаватда эса, ўзининг шундай бақувват темир-бетон белбоғлари бўлади. Ундан ташқари занжир усулида терилаётган ғиштларни ҳам майда арматура толаларн маҳкам қучоқлаб турадн.

Қўшни участкаларга назар ташлаймиз. Ҳисоб бўйича 14-бинонинг пойдеворн кавланяпти.

У ёнга қарасангиз бетон қуйиляпти, бу ёнга қарасангиз ғишт териляпти. Бинокорларнинг тинимн йўқ. Уларнинг барчаси Тошкентликлар ғамини емоқда. Қандай қилиб бўлса ҳам қурилиш суръатига суръат қўшиб ишлаб, совуқ кунлар тушгунга қадар бошпанасиз қолган оилалар қўлига янги квартиралар калитини тутқазишни дилларига жо қилиб олганлар. Шу ниятда дўстларимиз тунни кунга уламоқдалар. Барча имкониятларни ишга солмоқдалар.

Ж. НОСИРОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.



Москвaликлар мана шу катта участкада турар-жой бинолари бунёд этмоқдалар. Чапдаги суратда эса фойдаланишга топширилган янги бетон-қоришмаси заводи.

А. Абалян фотолари.

МУКОФОТЛАР МУБОРАК!

СССР Олий Совети Президиумининг 1966 йил 1 июлдаги Фармони билан газ саноатини ривожлантириш бўйича етти йиллик план топшириқларини бажаришда муваффақият ва юксак техника-иқтисодий кўрсаткичларга эришганлиги учун СССР Газ саноати министрлиги корхоналари ва ташкилотларининг бир группа ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари СССР орден ва медаллари билан мукофотландилар. Шу жумладан Тошкент области бўйича қуйидагилар мукофотланди.

ЛЕНИН ОРДЕНИ БИЛАН

Боченков Василий Тихонович — «Нефтепроводмонтаж» трести 2-ихтисослашган бошқармасининг электрпайвандчиси.

Пазин Григорий Алексеевич — Янгийўл район магистрал газопроводлари бошқармаси газ тақсимлаш станциясининг старший оператори.

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНИ БИЛАН

Гармазий Степан Игнатьевич — «Нефтепроводмонтаж» трести 2-ихтисослашган бошқармаси слесарлар бригадаси бошлиғи.

Гомоляк Павел Григорьевич — Янгийўл район магистрал газопроводлари бошқармасининг шофери.

Диденко Владимир Петрович — «Средазнефтегазстрой» трести 1-қурилиш бошқармаси труба ётқизиш кранининг машинисти.

Ким Алексей Николаевич — «Союзпроводмеханизация» трести 4-ихтисослашган бошқармасининг бош инженери.

Кучерена Михаил Николаевич — «Нефтепроводмонтаж» трести 2-ихтисослашган бошқармасининг бош инженери.

Перерва Владимир Петрович — Тошкент магистрал газопроводлари бошқармасининг бошлиғи.

«ҲУРМАТ БЕЛГИСИ» ОРДЕНИ БИЛАН

Жилин Эрик Алексеевич — қурилаётган Бухоро—Тошкент — Фрунзе-Олмаота газопроводи директори.

Заржецкий Давид Яковлевич — «Главгазтехснаб» Ўрта Осиё конторасининг бошқарувчиси.

Каримов Аҳмад — «Союзпроводмеханизация» трести 4-ихтисослашган бошқармасининг бульдозер машинисти.

Кашапов Воҳид Мирсадирович — «Нефтепроводмонтаж» трести 2-ихтисослашган бошқармасининг электр пайвандчиси.

Қаюмов Флюр Ахметович — «Нефтепроводмонтаж» 2-ихтисослашган бошқармасининг машинисти.

Кравченко Василий Александрович — Оҳангарондаги кўмирни ер остида газга айлантириш станцияси бош инженерининг ўринбосари.

Лемешкин Федор Максимович — Тошкент газ аппаратуралари заводи темирчиси.

Никитин Николай Захарович — Оҳангарондаги кўмирни ер остида газга айлантириш станциясининг пармалаш мастери.

Петросов Петр Тигранович — «Союзбургаз» ротор ва структура пармалаш трестига қарашли Тошкент разведкасининг бошлиғи.

Пугачев Иван Степанович — «Средазнефтегазстрой» трести 1-қурилиш бошқармасининг труба ётқизиш крани машинисти.

Раҳимов Ренат Иброҳимович — Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ишлар бошқармасининг старший референти.

Сейтяев Изет — «Средазнефтегазстрой» трести автотранспорт контораси автоколоннасининг бошлиғи.

Султонов Саидмурод Султонович — Тошкент газ аппаратуралари заводининг директори.

Фархуддинов Науфал Фархуддинович — «Союзпровод-механизация» трести 4-ихтисослашган бошқармасининг экскаватор машинисти.

Чебурашкин Владимир Васильевич — «Союзпроводмеханизация» трести 4-ихтисослашган бошқармасининг электр пайвандчиси.

Шокиров Қодир Шокирович — «СредазНИИгаз» институти лабораториясининг раҳбари.

«ШАВКАТЛИ МЕҲНАТИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

Даллакян Саркис Мангиевич — «Союзпроводмеханизация» трести 4-ихтисослашган бошқармасининг старший иш бошқарувчиси.

Добрев Федор Филиппович — «Союзбургаз» ротор ва структура пармалаш трести Тошкент разведкасининг пармаловчиси.

Ефремов Николай Яковлевич — «Союзпроводмеханизация» трести 4-ихтисослашган бошқармасининг иш бошқарувчиси.

Житников Афанасий Васильевич — Оҳангарон кўмирни ер остида газга айлантириш станциясининг слесари.

Калякина Лидия Максимовна — «Средазнефтегазстрой» трести бош бухгалтерининг ўринбосари.

Козлов Николай Александрович — Тошкент газ аппаратуралари заводининг слесари.

Кологривов Глеб Борисович — «Средазнефтегазстрой» трести 1-қурилиш бошқармасининг участка бошлиғи.

Назаров Бўта — Оҳангарон кўмирни ер остида газга айлантириш станциясининг тракторчиси.

Содиқов Собит Содиқович — Тошкент газ аппаратуралари заводининг станокчиси.

Свинарский Константин Александрович — «Союзпровод-механизация» трести 4-ихтисослашган бошқармасининг механиги.

Темпель Фридель Гдалевич — «СредазНИИгаз» институтининг лаборатория раҳбари.

Томчани Анатолий Александрович — Ўзбекистон ССР Госпланининг бош мутахассиси.

Ҳайдаров Турдиали Маннопович — «Средазнефтегазстрой» трести автотранспорт конторасининг шофери.

Шуняева Лира Афанасьевна — «Нефтепроводмонтаж» трести 2-ихтисослашган бошқармасининг электр пайвандчиси.

«МЕҲНАТДА ЎРНАК КЎРСАТГАНЛИК УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

Абдураҳмонов Мирза — «Союзбургаз» ротор ва структура пармалаш трести Тошкент разведкасининг дизель агрегати машинисти.

Бевзюк Николай Иосифович — «Средазнефтегазстрой» трести 2-қурилиш бошқармаси труба ётқизиш кранининг машинисти.

Евтифеев Анатолий Александрович — «Средазнефтегазстрой» трести таъминот конторасининг бошлиғи.

Кравцова Тамара Васильевна — Янгийўл район магистрал газопроводлари бошқармасининг старший диспетчери.

Матёқубов Жуманиёз — «Нефтепроводмонтаж» трести 2-ихтисослашган бошқармасининг электр пайвандчиси.

Мирзараҳимов Абдуқаҳҳор Ҳамидович — Янгийўл район магистрал газопроводлари бошқармаси газ тақсимлаш станциясининг оператори.

Нарижная Вера Емельяновна — «СредазНИИгаз» институтининг лаборатория раҳбари.

Петров Игорь Васильевич — Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитетининг инспектори.

Посохов Николай Прохорович — «Союзпроводмеханизация» трести 4-ихтисослашган бошқармасининг экскаватор машинисти.

Пиршев Серафим Данилович — «Нефтепроводмонтаж» трести 2-ихтисослашган бошқармаси труба ётқизиш кранининг машинисти.

Рогозина Равза Аҳмедовна — Тошкент газ аппаратуралари заводининг технологи.

Салимов Ашраф Гасан ўғли — «Союзпроводмеханизация» трести 4-ихтисослашган бошқармасининг экскаватор машинисти.

Товаровский Виталий Михайлович — «Средазнефтегазстрой» трести 3-қурилиш бошқармасининг бошлиғи.

Шуванов Александр Павлович — Тошкент газ аппаратуралари заводининг конструктори.

СССР Енгил саноат ва озиқ-овқат саноати учун машинасозлик ва рўзғор асбоблари министрлиги корхоналари ва ташкилотларининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан, партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг ходимларидан катта группасини СССР Олий Совети Президиуми етти йиллик план топшириқларини бажаришда эришган муваффақиятлари учун 1966 йил 4 июлдаги Фармонига биноан, СССР орден ва медаллари билан мукофотлади.

Шулар орасида Тошкент областидан қуйидагилар мукофотланди:

ЛЕНИН ОРДЕНИ БИЛАН

1. **Марсов** Иннокентий Петрович — «Таштекстильмаш» тўқимачилик машинасозлиги заводининг термисти.

2. **Муҳамаджонов** Раҳматулла — Тошкентдаги «Ўзбекхлопкомаш» заводининг слесари.

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНИ БИЛАН

1. **Борисов** Александр Федотович — Тошкент шаҳридаги тўқимачилик машиналари махсус-конструкторлик бюросининг слесари.

2. **Брякин** Григорий Никанорович — Тошкентдаги «Ўзбекхлопкомаш» заводининг штамповкачиси.

3. **Вержбовский** Станислав Александрович — «Таштекстильмаш» тўқимачилик машинасозлиги заводининг слесари.

4. **Горобинский** Варфоломей Кириллович — «Таштекстильмаш» тўқимачилик машинасозлиги заводининг бўлим бошлиғи.

5. **Жонизоқов** Равшан — «Таштекстильмаш» тўқимачилик машинасозлиги заводининг темирчиси.

6. **Сапон** Анатолий Дмитриевич — пахтани ташиш, қуритиш, тозалаш ва дастлабки ишлаш машиналари бўйича Тошкент шаҳридаги давлат махсус-конструкторлик бюросининг бўлим бошлиғи.

7. **Соловьев** Александр Яковлевич — «Таштекстильмаш» тўқимачилик машинасозлиги заводининг цех бошлиғи.

8. **Степанов** Александр Владимирович — «Таштекстильмаш» тўқимачилик машинасозлиги заводининг фрезерчиси.

«ҲУРМАТ БЕЛГИСИ» ОРДЕНИ БИЛАН

1. **Биман** Леон Робертович — Тошкент шаҳридаги тўқимачилик машиналари махсус-конструкторлик бюросининг бош инженери.

2. **Вольнова** Нина Федотовна — «Таштекстильмаш» тўқимачилик машинасозлиги заводининг формовкачиси.

3. **Дарбадаев** Михаил Никитович — Тошкентдаги «Ўзбекхлопкомаш» заводининг бош механиги.

4. **Иброҳимов** Зуфар — «Таштекстильмаш» тўқимачилик машинасозлиги заводининг токари.

5. **Кобилкин** Игорь Иннакентьевич — Тошкентдаги «Ўзбекхлопкомаш» заводининг электр монтёри.

6. **Қулибоев** Мусулмон — «Таштекстильмаш» тўқимачилик машинасозлиги заводининг слесари.

7. **Малов** Николай Иванович — «Таштекстильмаш» тўқимачилик машинасозлиги заводининг электр слесари.

8. **Миңюхин** Федор Иванович — «Таштекстильмаш» тўқимачилик машинасозлиги заводининг слесари.

9. **Раҳимов** Тожибой — «Таштекстильмаш» тўқимачилик машинасозлиги заводининг прессчиси.

10. **Рибалко** Иван Потапович — Таштекстильмаш» тўқимачилик машинасозлиги заводининг прессчиси

11. **Слесарев** Алексей Степанович — «Таштекстильмаш» тўқимачилик машинасозлиги заводи бош инженерининг ўринбосари.

12. **Степанов** Аркадий Павлович — «Таштекстильмаш» тўқимачилик машинасозлиги заводининг партия комитетининг секретари.

13. **Чернишев** Владимир Петрович — Тошкентдаги «Ўзбекхлопкомаш» заводининг эговчиси.

14. **Шишкина** Клавдия Павловна — «Таштекстильмаш» тўқимачилик машинасозлиги заводининг плановчиси.

15. **Шмирев** Григорий Павлович — «Таштекстильмаш» тўқимачилик машинасозлиги заводининг темирчиси.

16. **Шульгин** Петр Николаевич — «Таштекстильмаш» тўқимачилик машинасозлиги заводининг мастери.

17. **Юдин** Иван Андреевич — Тошкент шаҳридаги рўзғор холодильниклари заводининг слесари.

18. **Якшина** Тамара Петровна — Тошкентдаги «Ўзбекхлопкомаш» заводининг стерженчиси.

«ШАВКАТЛИ МЕҲНАТИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

1. **Акрамов** Ориф — Тошкентдаги «Ўзбекхлопкомаш» заводининг темирчиси.

2. **Барчуков** Павел Михайлович — «Таштекстильмаш» тўқимачилик машинасозлиги заводининг бўлим бошлиғи.

3. **Бессонова** Александра Алексеевна — «Таштекстильмаш» тўқимачилик машинасозлиги заводи партия комитетининг секретари.

4. **Ефимова** Екатерина Тимофеева — Тошкент шаҳридаги рўзғор холодильниклари заводининг электр слесарлар бригадири.

5. **Эргашев** Файзи — «Таштекстильмаш» тўқимачилик машинасозлиги заводининг слесари.

6. **Лиханова** Екатерина Степановна — «Таштекстильмаш» тўқимачилик машинасозлиги заводининг бўёқчиси.

7. **Мазинг** Борис Константинович — «Таштекстильмаш» тўқимачилик машинасозлиги заводининг токари.

8. **Мартиросова** Розалия Ефимовна — «Таштекстильмаш» тўқимачилик машинасозлиги заводининг старший инженери.

9. **Микрюкова** Евдокия Васильевна — «Таштекстильмаш» тўқимачилик машинасозлиги заводининг земледели.

10. **Мўминов** Абдурасул Қодирович — Тошкент шаҳридаги рўзғор холодильниклари заводининг цех бошлиғи.

11. **Ниёзов** Мирза — «Таштекстильмаш» тўқимачилик машинасозлиги заводининг штамповкачиси.

12. **Третьяков** Анатолий Филиппович — пахтани ташиш, қуритиш, тозалаш ва дастлабки ишлаш машиналари бўйича Тошкент шаҳридаги давлат махсус-конструкторлик бюросининг слесари.

13. **Фалевич** Мирон Абрамович — «Таштекстильмаш» тўқимачилик машинасозлиги заводининг йиғувчилар бригадири.

14. **Чуписов** Иван Петрович — «Таштекстильмаш» тўқимачилик машинасозлиги заводининг старший мастери.

15. **Шафиев** Муҳаммаджон Файзулдинович — «Таштекстильмаш» тўқимачилик машинасозлиги заводининг упаковкачиси.

«МЕҲНАТДА ЎРНАК КЎРСАТГАНЛИК УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

1. **Обидов** Комил — «Таштекстильмаш» тўқимачилик машинасозлиги заводининг старший мастери.

2. **Болтабоев** Исмоил — «Таштекстильмаш» тўқимачилик машинасозлиги заводининг слесари.

3. **Бутовская** Екатерина Михайловна — «Таштекстильмаш» тўқимачилик машинасозлиги заводининг бўлим бошлиғи.

4. **Ғавниддинова** Холида Хайриддиновна — Тошкент шаҳридаги тўқимачилик машиналари махсус-конструкторлик бюросининг машина-синаш станцияси бошлиғининг ўринбосари.

5. **Игумнов** Тимофей Ильич — Тошкентдаги «Ўзбекхлопкомаш» заводининг шлиповкачиси.

6. **Корнилов** Владимир Георгиевич — «Таштекстильмаш» тўқимачилик машинасозлиги заводининг электр пайвандчиси.

7. **Корчагин** Юрий Петрович — «Таштекстильмаш» тўқимачилик машинасозлиги заводининг формовкачиси.

8. **Литвинов** Виктор Иванович — Ўзбекистон Касаба Союзлари республика советининг бўлим мудири.

9. **Парфунцев** Иван Платонович — Тошкент шаҳридаги рўзғор холодильниклари заводининг мастери.

10. **Семенов** Иван Антонович — «Таштекстильмаш» тўқимачилик машинасозлиги заводининг старший мастери.

11. **Стрельцов** Владимир Семенович — «Таштекстильмаш» тўқимачилик машинасозлиги заводининг слесари.

12. **Тараненко** Павел Федорович — «Таштекстильмаш» тўқимачилик машинасозлиги заводининг силлиқловчиси.

13. **Хивренко** Николай Васильевич — Тошкентдаги «Ўзбекхлопкомаш» заводининг қирқувчиси.

ВЬЕТНАМЛИКЛАРНИНГ ҲАҚ ИШИ ҒАЛАБА ҚИЛАДИ

АҚШ Женева битимларини яна бузмоқда

ХАНОЙ. (ТАСС). Америка самолётларининг группалари 5 июлда Виньлинь шаҳри районида, Куангбинь, Хатинь вилоятларида ва бошқа баъзи жойларда Вьетнам Демократик Республикасининг аҳоли яшовчи районларини ва саноат объектларини яна бомбардимон қилиб, ўққа тутди. Вьетнам халқ армияси олий қўмондонлигининг алоқа миссияси Вьетнамдаги кузатувчи ва контрол қилувчи халқаро комиссияга норозилик мактуби юбориб, Америка ҳарбийларининг бу жиноий ҳаракатларини қаттиқ қоралади ва уни Вьетнам Демократик Республикаси суверенитетига, территорияси ва хавфсизлигига қилинган ҳамла, 1954 йилги Вьетнамга доир Женева битимларининг қўпол суратда бузилиши деб баҳолади.

Алоқа миссияси халқаро комиссияга тақдим этган бошқа бир норозилик мактубида 29 июндан 5 июлгача бўлган давр ичида Америка самолётлари демилитаризация қилинган зонанинг бир қанча участкаларига ҳужум қилганлиги Вьетнамга доир 1954 йилги Женева битимларининг сурбетлик билан бузилишидир, деб қораланади.



Суратда: Финляндиянинг Турку шаҳрида Американинг Вьетнамдаги агрессиясига қарши намойиш пайти. Намойишчилар «АҚШ, Вьетнамдан жўнаб қол!» деган сўзлар ёзилган плакатларни кўтариб бормоқдалар. К. Крелл фотоси, (ТАСС фотохроникаси).

ЖАҲОН БЎЙЛАБ

Халқ ғазаби

ХАНОЙ. ТАСС мухбири Е. КОБЕЛЕВ хабар беради.

Вьетнам Демократик Республикаси устида уриб туширилган бир неча ўн америкалик учувчини соқчилар прожекторлар ёруғида Ханой бўйлаб олиб ўтишди. Америка авиацияси-нинг ваҳшиёна ҳужумларидан дарғазаб бўлган пойтахт аҳолисининг талаби билан шу тадбир ўтказилди. Шаҳар театридан стадионга бориладиган марказий кўчанинг икки бетида ўн мингларча ханойликлар саф тортиб туришди. Америка учувчиларининг группаси ўтиб борган жойларнинг ҳаммасида «Йўқолсин Америка империалистлари» деган нафратли овозлар эшитилиб турди.

ВДР устида уриб туширилди

ХАНОЙ. (ТАСС). Америка авиацияси 6 июлда Вьетнам Демократик Республикаси территорияси устида яна тўрт самолётидан ажралди.

Шундай қилиб, Американинг Вьетнам Демократик Республикаси устида уриб туширилган самолётларининг умумий сони 1.163 га етди.

СОВЕТ—ҲИНДИСТОН ҲАМКОРЛИГИ

ДЕҲЛИ. (ТАСС). Бу ерда «Совет Иттифоқи») журнали «тўғарак столи» нинг мажлиси бўлди. Бу мажлис маориф соҳасида Ҳиндистон — Совет ҳамкорлигига бағишланди.

Совет олими профессор С. А. Шумовский Ҳиндистон билан Совет Иттифоқи маориф ишлари соҳасида ўн йилдан буён ҳамкорлик қилиб келаётганликлари тўғрисида гапирди.

Маориф министрлигининг секретари П. Кирпал Ҳиндистонда маориф системасини ривожлантиришнинг янги йўлларини ишлаб чиқишда Совет Иттифоқи кўрсатаётган ёрдамга юксак баҳо берди. П. Кирпал ҳар иккала мамлакат ўртасида маданий ҳамкорлик ва алоқа программасини янада кенгайтириш муҳим ва зарур эканлигини таъкидлаб, бу ҳамкорлик ва алоқа кўп соҳаларда муваффақиятли суратда амалга оширилаётганлигини айтди.

„САТУРН-1"нинг УЧИРИШИГА ДОИР

НЬЮ-ЙОРК. 7 июль. (ТАСС). Қўшма Штатлар томонидан 5 июлда Ернинг сунъий йўлдоши орбитасига чиқарилган «Сатурн-1» ракетасининг иккинчи босқичи ракета учирилганидан кейин етти соат ўтгач космосда портлатилган. Бу хабарни аэронавтика ва космик фазони тадқиқ қилиш миллий бошқармасининг (НАСА) вакили эълон қилди. Шу тўғридаги баёнотда айтиладики, Сатурннинг иккинчи босқичи билан атайин шундай эксперимент қилинди. «Сатурн-1»ни учиришдан кузатилган асосий мақсад ракета ёқилғисининг таркибий қисмларидан бири бўлган кўп миқдордаги суюқ водород муаллақлик шароитида қандай ҳолатда бўлишини ўрганиш эди.

НАСАнинг хабарида айтилишича, суюқ ёнилғи тўлдирилган бак ичидаги босим қўпайтирилаберди. Бу эса, худди кутилганидек портлашга олиб келди. Илгари ракетанинг иккинчи босқичи орбитада бир неча кун туради, деб фараз қилинган эди.

ЮПИ агентлиги, НАСАнинг бу хабари жуда кутилмаган хабар бўлди, демоқда.

МИЛЛИЙ ПАРТИЯ СИЕСИЙ БЮРОСИ МАЖЛИСИ

БРАЗЗАВИЛЬ. (ТАСС). Бу ерда миллий революцион ҳаракат партияси бош секретари ва республика президенти Массамба-Деба раислигида шу партия Сиёсий бюросининг мажлиси бўлди. Сиёсий бюро шу йил 26—28 июнда Браззавилда бўлиб ўтган воқеалардан кейин мамлакатда рўй берган вазиятни қараб чиқди.

Сиёсий бюро қабул қилган қарорида миллий революцион ҳаракат партияси хартиясида баён қилинган раҳбар принципларни таъкидлади ва миллий халқ армиясини тезроқ вужудга келтириш ҳамда демократлаштиришни тавсия этди.

И. БРОЗ ТИТО НУТҚИ

БЕЛГРАД. (ТАСС). Югославия Коммунистлар союзи Марказий Комитетининг ўтган пленуми сабот-матонат ва коммунистик принципиаллик билан иш кўрсак, энг жиддий қийинчиликларни бир ёқлик қилишга қодир эканлигимизни кўрсатди — деди Югославия Коммунистлар союзининг бош секретари, Югославия Социалистик Федератив Республикасининг президенти Иосиф Броз Тито. ТАНЮГ агентлигининг хабар қилишича, Иосиф Броз Тито Югославиянинг миллий байрами — курашчилар куни муносабати билан ўз ҳузурига ташриф буюрган халқ озодлик уруши курашчиларининг бирлашмалари иттифоқи вакиллари олдида нутқ сўзлаган.

Президент бундай деган: айрим кишиларнинг тиш-тирноғи билан қаршилик кўрсатишига қарамай, коммунистлар союзи билан бутун мамлакатнинг якдиллиги туфайли пленумда ғоят чуқур мазмунли қарорлар қабул қилишга муваффақ бўлинди. Президент «турли сепаратчиларга, миллатчиларга; шунингдек турли ноқулай кўринишларга ва Ғарбнинг таъсирларига» муросасозлик билан қарашга қарши чиққан.

Пленумда қаттиқ танқид қилинган А. Ранковичнинг истеъфоси муносабати билан И. Тито партия, халқ ва мамлакатнинг манфаатлари айрим шахслардан устун туради, деб уқтирган.

ДОМИНИКАНА РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ДЕКРЕТИ

ГАВАНА. (ТАСС). Доминикана Республикасининг президенти Хоакин Балагер давлат хизматчиларининг маошини камайтириш тўғрисида декрет чиқариб, мамлакатдаги барча хусусий корхоналар ишчиларининг иш ҳақини чеклаш тўғрисидаги қонун лойиҳасини миллий конгрессга ҳавола қилди.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

Реклама ва Эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

9 ИЮЛДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 17.00 — **Виставкага ким боради** (болалар учун). 17.25 — **Пионерия** (киножурнал). 17.35 — **Телевизион янгиликлар** (ўзбек, рус тилларида).

Рус тилида: 18.00 — **Қўшиқчилар кинода.**

Ўзбек тилида: 19.00 — **А. Қаҳҳор, Сўнгги нусхалар** (Ҳамза номли театр спектакли).

21.35 дан — **Москва кўрсатади** (тажриба тариқасида).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 дан — **Фрунзе кўрсатади.**

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Виждон — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечкурун).

Чўққисоқол король — НАВОИЙ номли (эрталаб соат 10, кундуз 5 ярим ва кеч 10 да).

Пепо — САНЪАТ САРОЙИ (эрталаб соат 11 ва кундуз 1 да).

Вундеркиндлар учун орден — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечкурун).

Уч мушкетёр — НАВОИЙ номли (эрталаб соат 11 ярим, кундуз 2 ярим ва кеч 7 да).

Том тоғанинг кулбаси — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз соат 3, кеч 6-15 ва 9-15 минутда).

Қон-Қариндош — «МОСКВА», (кеч соат 6 да).

ЁЗГИ БИНОДА

(Кеч соат 8-45 минут ва 10 яримда)

Виждон — «ФЕСТИВАЛЬ», «ВАТАН».

«Средазэнергомонтаж» нинг ТОШКЕНТ МОНТАЖ УЧАСТКАСИГА инженер-экономист, саноат ускуналарига доир электрик-инженер КЕРАК

Тошкент шаҳар, «Комсомол 40 йиллиги» кўчаси, 24-уйда кадрлар бўлимига учрашилсин. Телефон 6-23-47.

«ТАШГИПРОГОР» ИНСТИТУТИГА старший инженерлар, инженерлар ва техниклар: теплотехниклар, водопроводчилар, электриклар, сантехниклар, топографлар, картографлар, копировщиклар, русча машинистналар, сетонопировальщиклар (ишбайга) КЕРАК

Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, 40-уйда кадрлар бўлимига мурожаат қилинсин. Телефон 4-04-46, 4-04-47.

«Строймеханизация» трестининг 3-МЕХАНИЗАЦИЯ БОШҚАРМАСИГА автокранчилар, пневмоколёс, гусеница ва мостовой кран машинистлари, шоферлар, автослесарлар, йўл қуриш машиналари слесарлари, электросварқачилар, газосварқачилар, токарлар, механик-техниклар, механик-инженерлар КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Қорасарой кўчаси, 336-б уй (7-троллейбус, 11, 39-автобусда борилади). Телефон 4-62-32.

4-АВТОБАЗАГА автокранчилар, аккумуляторчилар, электрик, электр пайвандловчи, моторист, шоферлар, шогирдлар, слесарлар КЕРАК

Ёлғиз кишилар ётоқ билан таъминланади. Калинин район, Қўйлиқ посёлкаси, Тошлоқ кўчаси, 205-уйда кадрлар бўлимига мурожаат қилинсин.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА») — Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана, областного Совета депутатов трудящихся.

Бизнинг адрес: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — В35212, Редактор ўринбосарлари — В35885, В36232. Масъул секретарь — В34808. Пропаганда, адабиёт ва санъат бўлимлари — В31936. Партия турмуши — В35811, Саноат, транспорт ва қурилиш, ахборот ва спорт бўлимлари — В33786. Қишлоқ хўжалиги, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари бўлимлари — В39050. Совет ишлари, маиший ва шаҳар хўжалиги бўлими — В38761. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — В34048. Эълонлар бўлими — В38142. Коммутатор — В30249 дан В30258 гача.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.

Р. 08580. ИНДЕКС 64969. Г. 1154.